

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ



МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳукукида
УДК: 339.138.72.2(075)

ДОНИЁРОВА ГУЛНОЗА АНВАР ҚИЗИ

**“Корхоналарга инвестицияларни жалб этиш ва унинг самарадорлигини
ошириш (Қашқадарё вилояти Косон ёғ-экстракция АЖ мисолида)”**

Мутахассислик: 5A230102 – Иқтисодиёт (реал сектор)

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар

_____и.ф.д.,проф. Р.Х.Эргашев

“_____” _____2019 йил

Қарши-2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I БОБ. Корхоналарга инвестицияларни жалб этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий ва услубий асослари.....	11
1.1. Корхоналарга инвестицияларни жалб этишнинг моҳияти, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш имкониятлари	11
1.2. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш рақобатбардошликнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва намоён бўлиш шакллари	26
1.3. Корхоналарга инвестицияларни жалб этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асослари.....	43
I боб бўйича хулоса.....	53
II БОБ. Корхоналарга инвестицияларни жалб этиш орқали маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш ҳолати ва ривожланиши.....	55
2.1. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашнинг ҳозирги ҳолати ва унинг самарадорлиги.....	55
2.2. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида эркинлаштириш ва ривожлантириш жараёнида нарх-навонинг шаклланиши....	65
2.3. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида маҳсулот сифати ва уни рақобатбардошликка таъсири.....	70
II боб бўйича хулоса.....	77
III БОБ. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасига инвестицияларни жалб этиш ва унинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.....	78
3.1. Корхоналарга инвестицияларни жалб этишни	

	ривожлантириш бўйича илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.....	78
3.2.	“Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасига инвестицияларни жалб этиш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш	87
3.3.	“Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг асоси йўналишлари ҳамда истиқболларини башоратлаш.....	101
III боб бўйича хулоса.....		108
Хулоса ватаклифлар.....		110
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....		114

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Реал сектор корхоналарининг самарали ва барқарор ривожланишининг зарур шарти уларни етарлича инвестициялашдир. Иқтисодиёт сиёсатининг муҳим вазифаси эса корхоналарни инвестициялаш даражасини ошириш учун қулай шароит яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек,¹ **Иккинчидан,** иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттирамиз.

2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади “¹”.

Қашқадарё вилоятида 2018 йилда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15321,1 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 107,0 % ни ташкил қилди. Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Нишон тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 49,5 %и ўзлаштирилди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 29.12.2018 йил

Шунингдек, Муборак тумани жами инвестициялар ҳажмидан 12,7 %ни, Қарши шаҳри 11,5 % ни ташкил этмоқда. Ғузор ва Деҳқонобод туманларида ушбу кўрсаткич мос равишда 9,1 ва 4,1 % ни ташкил этди. Қамашни ҳамда Касби туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг вилоятдаги улуши 0,6% ва 0,7%ни ташкил этди. Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 136,0 % ёки 8191,2 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 53,5 га) кўп ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 7129,9 млрд. сўм ёки 86,1 % (жами инвестициялардаги улуши 46,5%).

Жалб этилган маблағлар таркибида тўғридан-тўғри ва бошқа кафолатланмаган хорижий инвестиция ва кредитларнинг улуши катта бўлди. Тўғридан-тўғри ва бошқа кафолатланмаган хорижий инвестиция ва кредитларнинг 2017 йилда ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар жами ҳажмида 20,4 % ни, жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар ҳажмида эса 36,4 %ни ташкил этди.

Давлат инвестицион сиёсатининг асосий тамойиллари замонавий босқичда мавжуд фоиз ставкаларининг пасайиши иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицияларнинг мос келувчи самарадорлиги даражасига пасайтириш, мавжуд солиқ тизимини соддалаштириш, амортизация сиёсатини такомиллаштириш, ташқи ва ички инвесторларнинг бевосита инвестицияларини рағбатлантириш мақсадида инвестицион рискларни пасайтириш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни шакллантириш ва бюджет инвестицион ресурсларини танлов асосида жойлаштириш орқали улардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишдан иборат.

Реал сектор корхоналарида инвестицияларнинг жозибадорлигини белгиловчи омиллар жуда катта аҳамиятга эга. Булар жумласига корхоналарнинг ривожланиш суръатлари ва истиқболлари, реал сектор тармоқларининг ўртача рентабеллик даражаси, тармоққа хос бўлган

инвестиция таваккалчилиги хатарлари ва қонунчиликда белгиланган инвестиция имтиёзлари ва кафолатлари бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш саноатига инвестициялар ҳажми 8 746,8 млрд.сўмни ва жами инвестициялардаги улуши 14,4%ни ташкил этди. Ишлаб чиқариш саноати таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 3 фаолият тури қўйидагилар: металлургия саноати 1 305,6 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 2,2%), озиқ-овқат, ичимлик, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариши 1.265,4 млрд.сўм (2,1%), текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариши 1 177,7 млрд.сўм (1,9%).

Корхоналарда инвестиция жалб қилишни тўхтатиб турган омиллар қўйидагилар: **биринчидан**, инвесторлар ажратган маблағлари қайтиши бўйича етарли кафолатга эга эмаслар; **иккинчидан**, қоидага кўра, инвестицион лойиҳаларни реализация қилиш учун керак бўладиган инвестиция ҳажми, лойиҳани таъминлаш учун ташаббускор томонидан тақдим этиладиган гаров ҳажмидан сезиларли ортади; **учинчидан**, гаров сифатида тақдим этиладиган мулкнинг ликвидлиги ўта паст; **тўртинчидан**, ривожланган суғурта бозори йўқ шароитда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши рисқи (таваккали) юқори; **бешинчидан**, амалда замонавий ва самарали молиявий менежментнинг йўқлиги инвестицион лойиҳалар реализацияси мониторингини қийинлаштирмоқда. Юқоридаги кўрсатиб ўтилган муоммаларни ҳал этиш ҳозирги кунинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Реал сектор корхоналарига инвестицияларни жалб этиш орқали корхоналарда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, янги инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. Миллий иқтисодиётда инвестицион сиёсатни амалга ошириш ва самарали бошқаришни шакллантиришнинг назарий ва амалий масалалари МДХ мамлакатлари

олимларидан А.Суринов, В.Левашов, М.Волгин, Р.Яковлев, Б.Генкин, В.Адамчук, В.Радаев каби бу муаммонинг ўрганилишига ҳисса қўшган иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида ўз аксини топган.

Республикамизда мамлакатимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион сиёсатни амалга ошириш масаласи соҳасида Ш.Шодмонов, Қ.Абдурахмонов, И.Блиндер, А.Вахобов, Р.Каримов, А.Қодиров, К.Попадюк, Р.Убайдуллаева, А.Ўлмасов, Р.Хасанов каби иқтисодчи олимлар самарали иш олиб боришмоқда.

Юқорида келтирилган муаллифлар ва мутахассисларнинг айнан шу соҳага қўшган ҳиссалари илмий хулосалар чиқариш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, улар томонидан иқтисодиётда инвестицион сиёсатни амалга ошириш масалаларининг Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишининг дастлабки даврларига мос ҳолда тадқиқ этилган бўлиб, ҳозирда инвестицион сиёсатни амалга ошириш ва бошқариш масалаларини ислохотларнинг ҳозирги даврига хос хусусиятларини очиб бериш зарурдир.

Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш ва иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари бўлиб хизмат қилди.

Диссертация ишининг мақсади. Корхоналарга инвестицияларни жалб этиш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича назарий-услубий ҳамда амалий йўналишдаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертация ишининг вазифалари :

- корхоналарига инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ хусусиятларни назарий ва услубий жиҳатдан таснифлаш;

- “Косон ёғ-экстакция” АЖ нинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари, шунингдек бу корхонанинг иқтисодиётни янада ривожлантиришдаги аҳамияти ва ўрнини кўрсатиб бериш;

- “Косон ёғ-экстакция” АЖни ривожлантиришда рақобатбардошлик муҳитини таҳлил этиш;

- Корхонага инвестиция жалб этиш имкониятларини таҳлил қилиш ҳамда улардаги таркибий ўзгаришлар жарёнларининг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;

- Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини ва рақобатбардошлигини оширишда инвестициялардан фойдаланишни ўрганиш;

- Корхоналарига инвестицияларни жалб этишда давлатнинг иқтисодий ролини очиб бериш;

- Корхоналарга инвестиция жалб этиш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича янги инновацион ғоялар ва технологиялардан самарали фойдаланиш йўллари асослаш;

“Косон ёғ-экстакция” АЖ мисолида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш бўйича монографик тадқиқот ўтказиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Қашқадарё вилояти “Косон ёғ-экстакция” АЖ корхонаси танлаб олинган.

Тадқиқот предмети. Қашқадарё вилояти “Косон ёғ-экстакция” АЖда инвестицияларни жалб этишда ва унинг самарадорлигини ошириш муносабатларни шакллантиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тадқиқот предмети ҳисобланади.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билар боғлиқлиги. Илмий иш давлат илмий – техник дастури доирасида Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти илмий – тадқиқот режалари бўйича бажарилган.

Тадқиқот усулубияти ва услублари. Магистрлик диссертация ишида таққослаш, монографик ўрганиш, статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил қилиш, иқтисодий таҳлил, SWOT таҳлил ва SPASE таҳлил қилиш усулларида кенг фойдаланиш назарда тутилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишида илмий тадқиқот олиб бориш натижасида илмий янгилик натижалари қуйидагича :

➤ корхоналарига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг назарий ва услубий асослари ўрганилди;

➤ корхоналарига инвестицияларни жалб этиш ва унинг самарадорлигини оширишда бир-бирига яқин бўлган рақобат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш – сотиш фаолиятидаги ўрни ва ўзаро боғлиқлиги аниқланди;

➤ “Косон ёғ-экстакция” АЖ корхонасига инвестицияларни жалб этиш даражалари, тамойиллари, усуллари, мезонлари таърифлари, тушунчаларига аниқликлар киритилган, ҳар бирининг тутган ўрнига қараб яхлит бир тизимга келтирилди;

➤ “Косон ёғ-экстакция” АЖ корхонасига инвестицияларни жалб этишнинг услубий асослари таҳлил қилиниб, бозорни ҳар томонлама ўрганиш ва сифатни оширишнинг асосий йўллари аниқланган, истеъмолчиларнинг харид қилишга ундовчи ҳаракатлари турли ёндашувлар асосида, ўрганилди;

➤ “Косон ёғ-экстакция” АЖ корхонасининг рақобатбардошлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва усуллари маҳаллий шароитга мослаштирилган тарзда аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти корхоналарига инвестицияларни жалб этиш ва унинг самарадорлигини оширишга оид назарий-методологик ва услубий асосларини ҳамда мавзуга бўйича иқтисодий механизмларни

такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан “Косон ёғ-экстакция” АЖ корхонасининг фаолияти бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда, соҳани самарали ривожлантириш қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади .

Тадқиқот гипотезаси. Тадқиқот жараёнида олинган муҳим илмий ечимлар ва амалий тавсиялардан фойдаланиш истикболда корхоналарига инвестицияларни жалб этиш ва унинг самамарадорлигини оширишда бири-бирига яқин бўлган рақобат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш – сотиш фаолиятидаги ўрни ва ўзаро боғлиқлиги; “Косон ёғ-экстакция” АЖ корхонасига инвестицияларни жалб этиш даражалари, тамойиллари, усуллари, мезонлари таърифлари, тушунчаларига аниқликлар киритилган, ҳар бирининг тутган ўрнига қараб яхлит бир тизимга келтириш; “Косон ёғ-экстакция” АЖ корхонасига инвестицияларни жалб этишнинг услубий асослари таҳлил қилиниб, бозорни ҳар томонлама ўрганиш ва сифатни оширишнинг асосий йўллари аниқлаш механизми яратилади.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг асосий қисми ҳажми 1,5 босма табокдан иборат бўлган 5 та илмий мақолалар ва тезисларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 18 та жадвал ва 11 та расмни ўз ичига олган ҳолда жами 121 бетда баён этилган.

I БОБ. Корхоналарга инвестицияларни жалб этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий ва услубий асослари

1.1. Корхоналарга инвестицияларни жалб этишнинг моҳияти, уларнинг шакллиниш ва ривожланиш имкониятлари

Инвестицияларлар ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формацияларда амалга оширилади. Чунки улар давлатни, тармоқ, корхоналар, ва ниҳоят, аҳолининг иқтисодий негизини мустаҳкамлашга сарфланади. Эркин бозор иқтисоди босқичма-босқич шакллантирилаётган Ўзбекистон Республикаси корхоналарни ривожлантириш мақсадида инвестицияларлар сарфланиши объектив зарурият ҳисобланади. Чунки тармоқни устувор шаклда ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкам равишда барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур техникалар, қишлоқ хўжалик механизмлари, ички ирригация ва мелиорация иншоотлари, серунум, тезпишар навлар, зотли, маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда айланма воситалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим.

Ҳозирги даврда инвестицион маблағлар янги, самарали технологияга ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга ҳам сарфланиши мақсадга мувофиқдир. Бу муаммонинг тўғри, самарали ҳал этилиши маълум миқдордаги инвестицияларлар сарфланишини объектив равишда талаб этади. Демак, инвестициялар маблағлари тармоқда доимий ва ўзгарувчан капитални ҳамда интеллектни барпо этиш ва уларни ривожлантириш ҳамда юксалтириш учун сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз парламенти Олий Мажлисга тараққиётимизнинг янги босқичи бўлган 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида таъкидлаганидек “Биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиз, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу

масалада етти ўлчаб, бир марта кесадиган, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиган давр келди.

Шу нуқтаи назардан, давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун **Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур** керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим.² Шунинг билан таъкидлаш керакки, ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бу мамлакатмизда солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициялар фаоллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсат қанчалик тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди.³

Инвестиция соҳаси ҳозирги шароитда бозор иқтисодиётининг миллий ва жаҳон даражасисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Хорижий инвестициялардан фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштироки ва тадбиркорликнинг эркин тармоқларига капиталнинг оқиб ўтиши тизими билан шартлашган объектив зарурат ҳисобланади. Яна шунинг алоҳида қайд этиш муҳимки, инвестиция сиёсий, иқтисодий ҳуқуқий кафолатланган шароитдагина самарали натижа бериши мумкин. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда давлат инвестиция жараёнининг бош ташкилотчиси бўлиш ва унинг асосий вазифаси бўлган ижтимоий сиёсат нуқтаи-назаридан бош инвестор бўлиши зарур.

² Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 22.12.2017 йил.

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари-Т. Ўзбекистон, 2009 18-19 бет.

Шу ўринда инвестицияларнинг иқтисодий мазмунини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, мазкур жараённинг кўп қирралилиги унга берилган таърифларнинг ўзида ҳам намоён бўлади. Жумладан, Ш.Шодмонов, Р.Алимов ва Т.Жўраевлар: "Инвестициялар - асосий ва айланма капитални кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга пул шаклидаги қўйилмадир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади. Пул маблағлари кўринишидаги инвестиция номинал инвестиция, ана шу пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар реал инвестиция дейилади"⁴, деб таъкидлайдилар.

Б.Турсунов томонидан "Инвестициялар - бу саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш ва хўжаликнинг бошқа тармоқларига узоқ муддатли қўйилма шаклида амалга оширилувчи сарф-харажатларнинг йиғиндисидир"⁵ деб, инвестиция маблағлари киритилувчи соҳалар тармоқ нуқтаи-назаридан алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Д.Тожибоева инвестицияларни қуйидагича таърифлайди: "Инвестиция деганда келажакдаги натижа учун: ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки реконструкция қилиш, маҳсулот ва хизматларни сифатини яхшилаш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга мўлжалланган молиявий ресурслар тушунилади"⁶. Бундан кўринадики, муаллиф мазкур таърифда инвестицион фаолият йўналишларига урғу бериб ўтади.

Шунингдек, баъзи манбаларда "Инвестициялар - хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичида ва унинг чегарасидан ташқарида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва қимматли қоғозларга капиталнинг узоқ

⁴ Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Ҳ., Жўраев Т.Т. "Иқтисодиёт назарияси", -Т., "Молия" нашриёти, 2002, 277-6.

⁵ Турсунов Б.М. Внешнеэкономическая деятельность и привлечение иностранных инвестиций. Курс лекций. -Т.: "Ўзбекистан", 2004. с-45.

⁶ Тожибоева Д. "Иқтисодиёт назарияси": 2-китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. -Т. "Шарк", 2003, 79-6.

муддатли қўйилмаси"⁷ сифатида қаралиб, олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, портфелли (яъни, қимматли қоғозларга жойлаштирилган) инвестициялар ҳам кўрсатиб ўтилади.

Баъзи манбаларда инвестицияларни амалга оширишнинг асосий мақсадини очиб беришга ҳаракат қилинган таърифлар ҳам учрайди. Жумладан, "Инвестициялар (лот. Гпуезйге кийинтирмоқ; ингл. шуезгтеш.) - қўшимча фойда олиш ёки обрў-эътиборга эга бўлиш мақсадида, ёки маблағларни бундай тарзда қўйиш бу соҳада ўз операцияларини олиб боришга қараганда анча фойдалилиги сабабли капитални қандайдир ҳуқуқий жихатдан мустақил бўлган корхоналарга узоқ (бир йилдан кам бўлмаган) муддатга жойлаштириш"⁸ деб қаралиши бунга яққол мисолдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция фаолиятининг мақсади бўлиб тадбиркорлик даромади ёки фоизни олиш ҳисобланади. Инвестициялар уларнинг қайси соҳа ёки объектга қўйилиши ҳамда капиталнинг ишлаб чиқаришдаги иштирокидан келиб чиққан ҳолда молиявий ва реал инвестицияларга бўлинади.

Молиявий инвестициялар давлат ва хусусий компаниялар томонидан чиқарилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек, банк депозитларига узоқ муддатли қўйилмаларни ифодалайди.

Шунингдек, баъзи манбаларда молиявий инвестицияни қимматли қоғозлар балан боғлиқ бўлган операцияларни ўз ичига олувчи халқаро молия-кредит фаолияти сифатида кўрсатилади. Фикримизча, бу жараёнга фақат халқаро даражадаги фаолият сифатида қаралиши нотўғри ҳисобланади.

Молиявий инвестициялардан фарқли ўлароқ, реал инвестициялар асосий капитал ҳамда материал ишлаб чиқариш заҳираларининг ўсишига қўйилмани акс эттиради.

⁷ Экономическая теория: Учебник. — Изд., испр. и доп. / Под. общ.- ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрышина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. - М.ИНФРА-М, 2005, с. 422.

⁸ Иностраннме инвестиции. В кн.: Л.Н.Павлова. Финансыг предприятий. -М., 2004. -с. 171.

Ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг аксарият қисмини хусусий инвестициялар ташкил этади. Иқтисодиётнинг давлат секторида капитал реал инвестициялар орқали, шунингдек, кредит, субсидиялар бериш йўли билан иқтисодий тартибга солиш сиёсати асосида қўйилади. Давлат инвестициялари энг аввал инфратузилма тармоқларига йўналтирилади. Инвестицияларнинг самарадорлиги, одатда, фаол элементларнинг улуши ўсиши билан ошиб боради. Кенг маънодаги тушунча сифатида тадбиркорлик объектларига ва фаолиятнинг бошқа қўринишларига қўйилувчи мол-мулк ва интеллектуал қийматликларнинг барча турлари инвестиция бўлиб ҳисобланиб, уларнинг натижасида фойда олинади ёки ижтимоий самара қўлга киритилади.

"Инвестиция" сўзининг бундай талқин этилишида, самара келтирувчи қийматликлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- пул маблағлари, мақсадли банк омонатлари, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;
- ҳаракатланувчи ва қўчмас мулклар (бино, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий қийматликлар);
- муаллифлик ҳуқуқидан келиб чиқувчи мулкый ҳуқуқ, "ноу-хоу" ва бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, мулкый ҳуқуқлар ва бошқалар⁹.

Давлат, юридик шахслар ва фуқароларнинг инвестицияларни амалга ошириш бўйича барча амалий ҳатти-ҳаракатларининг йиғиндиси инвестиция фаолиятини ташкил этади. Хусусий, қарзга олинган ва жалб этилган мулкый ва интеллектуал бойликларни инвестициялашнинг у ёки бу объектларига қўйиш тўғрисидаги қарорини инвестиция фаолиятининг субъектлари (инвесторлар) қабул қиладилар. Инвестиция фаолиятининг субъекти бўлиб

⁹ Турсунов Б.М. Внешнеэкономическая деятельность и привлечение иностранных инвестиций. Курс лекций. -Т.: "Узбекистан", 2004. с-46.

инвестор ёки бир неча инвесторлар тадбиркорлик ёки бошқа фаолият иштирокчилари ҳисобланиши мумкин¹⁰.

Шунингдек, инвестициянинг мамлакат миқёси ёки ундан ташқарида амалга оширилишига қараб ички ва ташқи (хорижий) инвестицияларга ажратилади. Агар ички инвестицияда бир мамлакат ичидаги қўйилмалар назарда тутилса, инвесторлар фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшаётган мулкый бойликларнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқларнинг, шунингдек, интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг барча турлари хорижий инвестициялари ҳисобланади. Инвестиция - бу нафақат молия ресурслари, шунингдек янги техника, замонавий чет эл технологияси, бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг янгича усуллари ҳамдир. Инвестицияларни жалб этишда хорижий инвесторларга уларнинг мамлакатда эркин фаолият юритишлари учун қулай инвестиция оқимини яратиб бериш зарурлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бу масъулиятни аввало давлат ўз зиммасига олиши керак.

Ўзбекистон иқтисодий равнақини ҳисобга олган ҳолда мамлакатда самарали инвестицион сиёсатни амалга ошириш ҳамда самарали равишда чет эл капиталини қабул қилиш тизимини ишлаб чиқиш зарур.

Инвестиция иқлими - бу кенг маъноли тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинadиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари баҳоланади, шу билан бирга ўз сармоясини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади.

Хорижий капитал қабул қилувчилар, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бўлган мамлакатлар инвестиция иқтлими моделини ишлаб чиқиши лозим. Бу модел улар учун ҳар томонлама асосланган ташқи иқтисодий алоқаларни аниқлаб берувчи восита вазифасини ўтайди. Унинг

¹⁰ А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. -Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош ташририяти, 2006. 317-бет.

асосий йуналишлари хорижий сармоя қабул қилувчилар учун қуйидагилардан иборат:

-хорижий инвесторларга таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлади;

-ўз мамлакатадаги иқтисодий ҳолатни чуқурроқ баҳолаш имкониятини беради;

-хорижий сармоядорнинг хулқ-атворини ҳар томонлама чуқур билишга имконият яратади.

Демак, ўтиш даврида бўлган мамлакатлар учун хорижий инвестициялар қуйидаги жараёнларни таъминловчи омил ҳисобланади:

- иқтисодий ва техник жараённи жадаллаштирувчи;
- ишлаб чиқариш апаратыни янгиловчи ва модернизацияловчи;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор усулларига эришувчи;
- бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрлаш.

Бу эса яна бир бор самарали инвестицион сиёсатни амалга ошириш фаолияти ҳамда уни ҳар томонлама тартибга солиш, мақсадга мувофиқ ҳолда йўналтиришдан иборат бўлган инвестиция сиёсатининг ўтиш даврида бўлган мамлакатлардаги аҳамияти жуда катта эканлигини кўрсатади.

У узоқ ҳамда қисқа муддатларга мўлжаллаб сарфланиши мумкин. Агарда қишлоқ хўжалигининг асосий воситаларини сотиб олишга, қуришга ҳамда уларни капитал таъмирлашга сарфланса, унда бу сарфлар узоқ муддатга мўлжаллангандир. Уларни асосий капиталга сарфланган инвестициялар деб аташади. Шу билан биргаликда инвестициялар қишлоқ хўжалигининг айланма воситаларига ҳам сарфланади. Улар қисқа муддатга сарфланган ҳисобланади. Демак, инвестициялар натижасида қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш воситалари барпо этилиб, уларнинг ишга яроқлилиги тубдан яхшиланади.

Корхоналарга ишлаб чиқариш воситаларига сарфланадиган барча маблағлар инвестициялар деб аталади. Улар корхоналарга(корхоналар)нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, ишлаб чиқариш жараёнларини

механизациялаштириш, кимёлаштириш, электрлаштириш, ирригация-мелиорациялаштириш натижасида харажатларни камайтириб, етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайиши ва сифати яхшиланишини, олинадиган даромад (фойда) суммаси оширишни таъминлайди. Бу инвестицияларни амалга оширишнинг туб мақсадидир.

Шуларни эътиборга олган ҳолда республикада барқарор инвестицион сиёсат ишлаб чиқилган. У мамлакатда «Инвестициялар фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998й) қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Инвестициялар мақсад ҳамда вазифаларига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

- капитал инвестициялар;
- инновацион инвестициялар;
- ижтимоий инвестициялар.

Асосий фондларни барпо этишга ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг барча шакллари ривожлантиришга сарфланган инвестициялар **капитал инвестициялар**, деб аталади.

Техника ва технологияларнинг янги авлодини яратиш ва ўзлаштиришга сарфланган инвестициялар **инновация инвестициялар**дир.

Инсон салоҳиятини, малакасини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар **ижтимоий инвестициялар**, деб аталади.

Улар реал ҳамда молиявий инвестицияларга ҳам бўлинади. Моддийлашган асосий ва айланма воситаларга сарфланган маблағлар **реал инвестицияларни** ташкил этади.

Қимматли қоғозларни (акция, облигация, вексел, сертификат) шакллантиришга сарфланган маблағлар эса **молиявий инвестициялар** ҳисобланади. Реал инвестицияларни инвестициялар, деб ҳам аташ мумкин.

Инвестициялар ялпи ва соф инвестицияларига бўлинади. Реал инвестицияларнинг умумий суммаси ялпи инвестицияларини ташкил этади. Реал инвестицияларни сарфлаш натижасида ишга туширилган қисми соф инвестициялардир. Соф капитал қўйилма ялпи капитал қўйилма сумасига тенг ёки кам бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги, жумладан, корхоналар миқёсида ялпи капитал қўйилмани соф капитал қўйилмага айлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Сарфланаётган реал инвестициялар моддийлаштирилишини, яъни ишга туширилишини таъминлаш зарур.

Миллий ҳисоблар тизимида асосий капиталга ҳамда моддий ишлаб чиқариш воситларига сарфланган маблағлар реал инвестициялар деб ҳисобга олинади.

Лекин, республика корхоналарда эркин бозор муносабатлари сустръатлар билан ривожлантириляётганлиги молиявий инвестициялар кўлами кенгайишини талаб даражасида таъминламаяпти. Жумладан, жамоа, ширкат, фермер хўжаликларида қимматли қоғозлар (акция, облигация, сертификат, векселлар...) чиқарилиб, сотилаётгани йўқ. Келажакда бу муҳим масалани ҳал этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Давлатнинг иқтисодий сиёсатида қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш тадбирлари ишлаб чиқилиши ва улар амалиётга татбиқ этилиши лозим.

Бозор иқтисоди шароитида инвестицион сиёсатни шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

- тендер асосида рақобатбардош лойиҳаларни танлашга. Бу корхоналарда инвестицион лойиҳалар бозори барпо этилишини таъминлайди;
- корхоналар учун мўлжалланган инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлигига. Корхоналарга табиий-иқтисодий омилларининг хусусиятлари реал ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий-ижтимоий натижалари аниқланган бўлиши зарур. Чунки, аксарият ҳолларда лойиҳада белгиланган маблағлар кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун етмайди, оқибатда

кўзланган мақсадга эришилмайди. Бу ҳол инвестицион лойиҳалар узок муддатга чўзилишига олиб келади;

■ чет эл инвесторларини ва уларнинг инвестицияларини корхоналарга жалб этишга. Бунинг учун корхоналарда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларга бўлган шахсий ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш лозим ва бошқалар.

Барча омилларни эътиборга олган ҳолда сарфланадиган инвестициялар кишлоқ хўжалигининг мустақкам моддий-техника базасини барпо этади. Корхоналарга замонавий машиналар, тракторлар, комбайнлар, бино-иншоотлар билан таъминланади. Унда богзорлар, узумзорлар барпо этилади. Зотли, сермахсул чорва ҳайвонлари яратилади.

Улар янги иш жойлари барпо этилишини таъминлайди, корхоналарда банд бўлган тадбиркорларнинг билимларини, малакаларини юксалтиради, бозор муносабатларини шакллантиради. Уларнинг уйғунлашиши натижасида тармоқда етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайтирилиб, рақобатбардошлиги ошади. Бу, ўз навбатида, аҳолини, қайта ишлаш тармоқларини ва ниҳоят, давлатнинг талаби қондирилишини таъминлайди, фуқароларнинг турмуш даражасини юксалтиради. Буларнинг ҳаммаси инвестицияларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти катта эканлигидан далолат беради.

Инвестицияларнинг халқ хўжалиги ва корхоналардаги аҳамияти улкан. **Биринчидан**, инвестициялар жами харажатларнинг асосий қисми ҳисобланади. Инвестициялардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлиги ва ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмининг ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, инвестициялар корхонанинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади. Бунда ишлаб чиқариш кучларини кенгайтиришга сарф қилинган пул маблағлари бошланғич босқичда корхона фаолияти натижаларига таъсир этмаслиги мумкин, лекин келажакда иқтисодий ўсиш учун зарур базани яратади.

Учинчидан, инвестицияларнинг нораціонал сарф қилиниши ишлаб чиқариш ресурслари, харажатлар ўсишига олиб келади, натижада ЯМД қисқаради. Мисол учун, тугатилмаган қурилишнинг кўпайиши, моддий ресурслар ошиши, тўланадиган иш ҳақининг кўпайиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг қисқариши шулар жумласидандир. Худди шундай тарзда норитмик ҳолда етказиб берилган воситалар меъёрдан юқори бўлиб, корхона заҳираларига ҳам таъсир кўрсатади. Улар сарфланаётган инвестицияларнинг қиймати ўсишига ҳамда самарадорлигига таъсир этади.

Инвестицияларнинг миқдори, динамикаси ва самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- капитал қўйилма амалга оширилаётган лойиҳага;
- мамакатдаги ва корхона фаолиятидаги иқтисодий ўзгаришга;
- давлатнинг солиқ сиёсати ва банкларнинг фойиз ставкасига;
- ташқи савдодаги иқтисодий ҳолатга;
- миллий валютанинг ички ва ташқи курсига;
- мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги барқарорлигига боғлиқ.

Инвестициялар қишлоқ хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди. Чунки улар эвазига тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Улардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида жонли меҳнат харажатлари қисқариб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб янада яхшироқ қондирилишини таъминлайди. Шу билан биргаликда соф фойда суммаси кўпаяди. Натижада корхоналарни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш имконияти туғилади. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи янада юксалади. Булар инвестициялар, инвестицияларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий самарадорлиги мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда корхоналарини барпо этиш орқали мустақил хўжалик юритувчи мулк эгалари шаклланди. Корхоналар бозор иқтисодиётига хос

турли макроиқтисодий шарт-шароитлар ва талабларига мослашиши имкониятларига эгаллиги билан устувор аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида корхоналар фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим макроиқтисодий омилларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонаси тараққиётининг кескин авж олиши натижасида уларнинг мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот салмоғидаги улушининг ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

1.1.1- жадвал

Қашқадарё вилоятида асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши

Т.Р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2018йил 2016йилга нисбатан,	
			2016	2017	2018	+ ; -	%
1	Асосий капиталга инвестициялар	млрд.сўм	6334,0	10181,9	5 321,1	- 1012,9	84,0
	<i>шу жумладан:</i>						
2	Марказлашган инвестициялар:	млрд.сўм	2151,5	4450,2	8191,2	6039,7	380,7
3	бюджет маблағлари	млрд.сўм	91,1	146,9	212,9	121,8	233,7
4	Давлат мақсадли жамғармалари	млрд.сўм	402,5	274,8	455,5	53,0	113,2
5	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	млрд.сўм	520,5	3704,8	687,3	166,8	132,0
6	Ўзбекистон	млрд.сўм	1137,4	323,7	6835,5	5698,1	600,9

	Республикаси кафолати остидаги кредитлар						
7	Марказлашмаган инвестициялар:	млрд.сўм	4182,5	5731,7	7129,9	2947,4	170,5
8	корхона маблағи	млрд.сўм	2219,6	2913,2	3574,8	1355,2	161,1
9	аҳоли маблағи	млрд.сўм	940,3	837,1	1059,2	118,9	112,6
10	тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	млрд.сўм	731,7	1627,2	1503,7	772,0	205,7
11	тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	млрд.сўм	290,9	354,2	992,2	7091,3	341,1

Қашқадарё вилоятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15321,1 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 107,0 % ни ташкил қилди. Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Нишон тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 49,5 %и ўзлаштирилди.

Шунингдек, Муборак тумани жами инвестициялар ҳажмидан 12,7 %ни, Қарши шаҳри 11,5 % ни ташкил этмоқда. Ғузор ва Деҳқонобод туманларида ушбу кўрсаткич мос равишда 9,1 ва 4,1 % ни ташкил этди. Қамашини ҳамда Касби туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг вилоятдаги улуши 0,6% ва 0,7%ни ташкил этди. Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 136,0 % ёки 8191,2 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 53,5 га) кўп

ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 7129,9 млрд. сўм ёки 86,1 % (жами инвестициялардаги улуши 46,5 %).

2009 йилда инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасини жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонаси субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2017 йилда 56 фоизга ўсди ошди. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонаси давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганлиги самарасидир. 2017- йилда корхоналар соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу яратилган жами иш ўринларининг ярми демакдир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000- йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди. Иқтисодиёт соҳасида изчил амалга ошираётган ана шундай чора-тадбирларимиз ўзининг юксак самарасини бермоқда

Жаҳон банки томонидан эълон қилинган, харид қобилияти бўйича ҳисобланадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмига қараб аниқланадиган иқтисодий ривожланиш борасидаги янгиланган рейтингда Ўзбекистон дунёнинг 190 та давлати орасида 2010-йилдаги 72-ўриндан 66-ўринга кўтарилди”¹¹.

Мамлакатимиз корхоналарнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли

¹¹ Каримов А.И. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. – 2015. 17 январ

даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Жумладан, бу борада 2017йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди. 2017 йилда ҳам тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини қисқартириш ишлари давом эттирилди. Масалан:

- архитектура - режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати – 4 баробар;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш – 2,5 баробар;

- кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати – 2 баробарга пасайтирилди.

“Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари кучайтирилди. Хусусан, 2014 йил давомида корхоналар субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Маълумотлардан кўринадикки, корхоналар соҳасига йўналтирилаётган кредитлар миқдори 2001-2017 йиллар мобайнида деярли 11 баробар ўсган.

Корхоналарни ривожлантиришда банк молия тизимининг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. Иқтисодиётда корхоналарнинг фаолият юритиши йирик корхоналарни айрим харажатлардан холос этиб, кўп ҳолларда йирик корхоналарда қўлланиладиган янги техника ва технологиянинг кичик корхоналарда қўлланишига кўпроқ самара беради. Кичик корхоналар жамият учун бошқа корхоналарга нисбатан кўпроқ янги товарлар етказиб бера олади ҳамда истеъмолчиларнинг талабини кенгроқ ўрганиб, ўз фаолиятини талабга мослаштира олади.

Корхоналарда меҳнатни ташкил этиш истеъдодли кадрларнинг ижодий фаолиятдан самарали фойдаланиш билан бирга уларнинг жамиятга танилишига ҳам имконият яратади. Бошқа корхоналарга нисбатан кичик корхоналарда тажрибали мутахассислардан фойдаланиш ниҳоятда юқоридир. Маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш, чиқиндилар ва меҳнат салоҳиятидан

фойдаланишда кичик кохоналар учун имкониятлар мавжуд. Бозор иқтисодиётига хос бўлган талаб капитал айланишининг тезлашиши айнан кичик корхоналарда йўналтирилган капиталнинг ўз-ўзини бошқараётган корхоналарга нисбатан уч маратоба юқорилиги исботланган.

Юқоридаги фикрга асосланган ҳолда айтишимиз мумкинки, корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг самарали натижаси сифатида мамлакатимизда бандлик, аҳоли фаровонлиги таъминланмоқда ва бу соҳа макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда асосий иқтисодий омиллардан бири вазифасини бажармоқда.

1.2. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш рақобатбардошлигининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва намоён бўлиш шакллари

“Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасини шакллантириш учун иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа муайян шароитлар яратилиши керак. Иқтисодий шароитларга қуйидагилар киради: товарга бўлган таклиф ва талаб; ҳаридор сотиб олиши учун товар турларининг мавжудлиги; ҳаридор сотиб олиши учун керак бўлган пул ҳажмининг мавжудлиги; ишчиларнинг маошига, яъни сотиб олиш имкониятига таъсир кўрсатувчи ишчи жойларининг, ишчи кучларининг ортиқчалиги ёки етишмовчилиги.

Пул ресурсларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари, киритилган капиталдан олинаётган даромад миқдори ва ўз ишбилармонлик операцияларини молиялаштириш учун олинмоқчи бўлган кредит миқдори иқтисодий шароитга таъсир этади.

Барча инвестициялар қуйидаги йирик иккита манбадан шакллантирилиб, амалга оширилади:

- корхонанинг ўз маблағларидан;
- четдан жалб қилинган маблағлардан.

Корхонанинг ўз маблағларига қуйидагилар киради:

- корхонанинг соф фойдасидан ажратилаётган маблағлар;
- амортизация фондидаги маблағлар;

- асосий воситаларни тугатишдан, сотишдан келиб тушган маблағлар;
- уларни ижарага беришдан тушган маблағлар;
- қишлоқ хўжалик корхоналари қимматли қоғозлар чиқариб сотиш, бошқаларникини сотиб олиш натижасида олинаётган дивидентлардан ажратилаётган маблағлар.

1.2.1-Жадвал

Қашқадарё вилоятида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар улуши

Т.Р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2018йил 2016йилга нисбатан,	
			2016	2017	2018	+ ; -	%
1.	Марказлашган инвестициялар:	%	31,7	43,7	53,2	21,5	1,7 марта ошган
2.	бюджет маблағлари	%	1,4	3,3	1,4	-	-
3.	Давлат мақсадли жамғармалари	%	6,4	5,4	2,7	-3,7	2,4 марта камайган
4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	%	3,2	3,2	4,5	1,3	1,4 марта ошган
5.	Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	%	20,7	31,8	44,6	23,9	2,1 марта ошган
6.	Марказлашмаган инвестициялар:	%	68,3	56,3	46,8	-21,5	1,5 марта камайган
7.	корхона маблағи	%	37,1	26,3	23,3	-13,8	1,6 марта камайган
8.	аҳоли маблағи	%	14,8	14,6	6,9	-7,9	1,9 марта

							камайган
9.	тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	%	11,6	8,4	9,8	-1,8	1,2 марта камайган
10.	тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	%	4,6	6,2	6,5	1,9	1,4 марта ошган
11.	болалар спорти	%	0,2	0,8	0,3	0,1	1,5 марта ошган

Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 136,0 % ёки 8191,2 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 53,5 га) кўп ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 7129,9 млрд. сўм ёки 86,1 % (жами инвестициялардаги улуши 46,5 %). Марказлашган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 83,4 %), тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари (8,4 %) ҳисобига тўғри келди.

Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан корхона маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 50,1 %), тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар маблағлари (21,1 %) ҳисобига тўғри келди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни жами инвестицияларнинг 44,6 %и Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар ҳисобидан молиялаштирилган. Шунингдек, тижорат банклар кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 6,5 %, тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар 9,8 %, аҳоли маблағлари


6,9 %, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 4,5 %, Республика бюджети 1,4 % ва Давлат мақсадли жамғармалари 2,7 % ва корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 23,3 % ва болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан эса 0,3 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Қашқадарё вилоятида асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида электр, газ билан таъминлаш етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 7696,7 млрд.сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 50,2 % и ўзлаштирилган.

Электр ва газ тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган фаолият тури қуйидагилар:

- электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш 80,5 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 0,5 %);

Қашқадарё вилоятида асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби жамига нисбатан, (2018й.)




Тоғ кон саноати тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 2 фаолият тури қуйидагилар:

- Хом нефт ва табиӣ газ саноати 3641,8 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 23,8 %);

- Метал рудалари саноати 10,4 млрд.сўм (0,1 %); Ундан кейинги ўринда уй-жой қурилиши тармоғи 1322,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 8,6 %и ўзлаштирилди (1.2.1-расм).

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 3664,4 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 23,9 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 7696,7 млрд. сўм, (50,2 %), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги фаолият турида 127,9 млрд. сўм, (0,8 %), қурилиш фаолияти турида 445,7 млрд. сўм (2,9 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 445,7 млрд. сўм (3,7%), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 339,5 млрд. сўм (2,2 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 41,6 млрд. сўм (0,3 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 66,1 млрд. сўм (0,4 %),

1.2.1-расм. Қашқадарё вилоятида асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича(2018й.).(млрд. сўм ҳисобида)



таълим соҳасида 132,6 млрд. сўм (0,9 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 1322,3 млрд. сўм (8,6 %) инвестициялар ўзлаштирилди (1.2.2-жадвал).

**Қашқадарё вилоятида 2018 йилда асосий капиталга
инвестицияларнинг технологик таркиби:**

	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
ЖАМИ, МЛРД. СЎМ	15321,1	705,0	14616,1
<i>шу жумладан:</i> умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида	100,0	4,6	95,4
қурилиш-монтаж ишлари	5327,8	590,5	4737,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	6434,1	61,6	6372,5
Бошқа ҳаражатлар	3559,2	52,9	3506,3




Қашқадарё вилоятида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-декабрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 23,0 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 26,1 фоизли пунктга кўпайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 12,9 фоизли пунктга кўпайган (1.2.3-жадвал).

1.2.3-жадвал.

**Қашқадарё вилоятида шаҳар ва туманлар кесимида асосий капиталга
инвестициялар ҳажми қуйидагича ифодаланган (2018й.).**


Шаҳар ва туманлар	Инвестициялар ҳажми млрд.сўм	Ўсиш суръати Фоизда	Улуши %
Вилоят бўйича жами:	15 321,1	107,0	100
Қарши ш	1776,8	64,2	11,6
Шаҳрисабз ш	141,1	216,6	0,9
<i>Туманлар:</i>			
Ғузор	1398,5	97,4	9,1
Деҳқонобод	623,1	36,1	4,1
Қамаши	93,0	118,8	0,6
Қарши	312,9	51,9	2,0
Косон	393,9	92,0	2,6
Китоб	250,6	151,8	1,6
Миришкор	98,2	132,1	0,6
Муборак	1939,3	119,8	12,7
Нишон	7576,9	158,5	49,5
Касби	101,2	118,1	0,7
Чироқчи	206,9	134,2	1,3
Шаҳрисабз	147,3	105,0	1,0
Яккабоғ	261,4	129,8	1,7



1.2.2-расм.Қашқадарё вилоятида шаҳар ва туманлар кесимида асосий капиталга инвестицияларнинг улуши (2018й.)


Қашқадарё вилояти туманлар кесимида Нишон ва Муборак туманлари етакчилик қилаётган бўлсада, Китоб ва Чироқчи туманидаги инвестицион фаоллик натижасида юқори ўсиш суръатлари қайд этилиб, мос равишда уларнинг вилоятдаги улуши ошиб бормоқда(1.2.3-расм).

1.2.3-расм.Қашқадарё вилоятида асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суратлари, фоизда (2018й.)



Қашқадарё вилоятида асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Нишон тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 49,5 %и ўзлаштирилди.

1.2.4 – расм. Инвестицияларнинг туркумланиши



Юқоридагилардан ташқари, корхоналарга корхоналари учун инвестициялар манбаи чорва ҳайвонларини сотишдан тушган маблағлар, Устав фондини кўпайтириш учун қилинган ажратмалар ҳам ҳисобланади.

Четдан жалб қилинган маблағлар эса:

- корхоналар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- ҳамкорлардан олинадиган маблағлар;
- турли хил қарзлар, шу жумладан, тижорат банкларидан олинадиган кредитлар;
- хўжалик аъзоларининг бўш ётган маблағларини жалб этиш;
- хорижий, давлат корхоналари ҳамда шахсий корхоналар ва фуқароларнинг маблағлари;
- хайрия фондларидан, хомийлар ажратаётган маблағлари ва бошқалар.

Четдан жалб қилинган маблағлар орасида банк кредитлари алоҳида ўрин тутди. Улар ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан қатъи назар, алоҳида корхоналар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда инвестицияларни амалга оширишга имкон беради. Банк кредитлари корхона ўз маблағларининг капитал қўйилма учун керакли миқдорини йиғмасдан туриб инвестициялар жараёнини тезлаштиради. Кредитлар капитал қўйилма манбаи сифатида нафақат капитал қурилишда, балки янги техникани жорий қилишда ҳам ишлатилади. Инвестицияларнинг асосий вазифаси – тармоқ маҳсулотини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръатлари тезлаштирилишини таъминлашдир.

Капитал – корхона молиявий натижаларининг бир қисми бўлиб, айланма фондларга қўйилиб, даромад келтиради. Капиталнинг айланма фондларга қўйилиши тўғри портфелли инвестициялар орқали амалга оширилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, инвестициялар қилишда корхона ўз маблағларидан имкони борича фойдаланиши иккита устунликка олиб келади: корхонада ташқи тўловлар мавжуд бўлмайдиган (олинган кредитлар бўйича фоиз, акциялар бўйича дивидентлар, ижара ҳақи ва ҳоказо), шунингдек, корхонани бошқаришда мустаҳкам позицияни шакллантиради.

Айни пайтда хўжаликларга четдан жалб қилинадиган маблағларнинг манбаларидан бири хўжалик аъзоларининг вақтинча бўш ётган маблағларини жалб этиш ҳисобланади. Бундай инвестицияларни амалга ошириш учун корхона ўз ичида қисқа муддатли облигацияларни, векселларни чиқариб, уларни аъзоларига ишончли тарзда тарқатиши (сотиши) ёки ҳуқуқий кучга эга бўлган ишончли далолатномаларни ҳам бериши мумкин. Хўжалик аъзолари эса муомалага берилган маблағларини маълум муддат ўтгандан сўнг белгиланган фоизи билан қайтариб олиш имкониятига эга бўладилар. Бу турдаги капитал қўйиш корхоналар учун ҳозирги даврда яхши самара бермайдиган. Чунки хўжаликларда ҳозирча қимматли қўғозларни чиқариш

имкониятлари чекланган, келажакда шу масалаларга алоҳида эътибор бериш керак.

1.2.4-жадвал.

Қашқадарё вилояти Косон тумани иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар динамикаси (2012-2018 йиллар), фоизда

№	Кўрсаткичлар	2002 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й
1	Иқтисодиётга жалб этилган инвестициялардаги улуш	5,7	5,4	5,8	4,4	3,4	3,2
2	Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари	18,0	17,0	19,3	14,3	12,1	11,9
3	Иқтисодиётга жалб этилган хорижий инвестициялардаги улуши	4,8	4,9	6,1	4,0	0,7	2,4
4	ЯИМ капитал ҳажми ўсишда инвестициялар улуши	1,1	1,3	0,9	6,3	5,9	2,2

1.2.5-жадвал.

Қашқадарё вилояти Косон тумани 2010-2018 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши (фоизда)

Молиялаштириш манбалари	2011 й	2012й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,8
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	23,2
Корхона ва аҳоли даромадалари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	46,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	25,4

Четдан жалб этилаётган инвестициялар чет давлатларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг инвестицияларидан ташкил топади.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад республика ҳудудида чет эл инвестициялари ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- республика корхоналаридаги юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;
- тармоқда чет эллик инвесторгарга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банк, суғурта ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;
- мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз маблағларини сотиб олиш;
- интеллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, фирма номлари ва ноу-хауларга, шунингдек, ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш ва бошқалар.

Уларни чет давлатлар ёки бу давлатларнинг қуйидаги ҳудудий органлари амалга оширадilar:

- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
- чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, ширкатлар, уюшма ва ташкилотлар;
- чет эл фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар ва бошқалар.

Ҳозирги даврда мамлакат корхоналарни бошқаришни такомиллаштиришга ва ишлаб чиқаришини ривожлантиришга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкининг республикадаги бўлимлари ҳамда АҚШ, Германия, Исроил, Голландия, Франция ва бошқа давлатларнинг ваколатхоналари инвестицияларни жойлаштириш, сарфлаш орқали муайян даражада ҳисса қўшиш ишлари билан шуғулланмоқда. Лекин уларнинг инвестициялари талабни қондирадиган даражада эмас. Шунинг учун бу масалага, яъни чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммосига келажакда алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Чет эл инвесторлари инвестициялари Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ги (1998 й) қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

Бу ишларнинг барчаси билан бозор инфратаркибини ташкил қилган турли хилдаги ташкилотлар шуғулланади. Тадбиркорлар шундай ташкилотлар билан алоқа ўрнатиб, тижорат операцияларини амалга оширади. Молия хизматини кўрсатувчи банклар, хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи, энергия, машина ва ускуналар, инструментлар билан таъминловчилар; товарни ҳаридорга етказувчи улгуржи ва чакана савдогарлар; касбий, юридик бухгалтерия хизматларини, воситачилик хизматини кўрсатувчи фирма ва корхоналар; ишчилар кучини ёллашда ёрдам берувчи ишга жойлаш агентликлари; ишчи ва мутахассис хизматчиларни тайёрлаётган ўқув юртлари; реклама, транспорт, суғурта агентликлари; алоқа ва ахборотни узатиш воситалари ушбу ташкилотлар тизимини ташкил этади.

“Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасининг шаклланиши иқтисодий ва ижтимоий шароит билан чамбарчас боғлиқ. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонаси шаклланишининг иқтисодий шароитига ижтимоий шароит яқин туради. Ижтимоий шароит, аввало, ҳаридорларнинг диди ва модага жавоб бера оладиган товарларни сотиб олишга интилиши билан белгиланади. Турли

босқичларда ушбу талаб ўзгариб туриши мумкин. Бунга ижтимоий-маданий муҳитга боғлиқ бўлган ахлоқий ва диний меъёрлар жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу меъёрлар харидорларнинг турмуш тарзига ва у орқали товарларга бўлган талабига бевосита таъсир этади. Ижтимоий шароит шахснинг ишга бўлган муносабатига ўз таъсирини ўтказди, бу эса, ўз навбатида, бизнес таклиф этаётган маошнинг миқдорига, меҳнат шароитига бўлган муносабатга таъсир этади.

“Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонаси фаолиятининг шаклланишида ишбилармон ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш масалаларини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонаси фаолиятини олиб боришнинг замонавий услубларини ўрганишни ташкил этиш, ходимларни ўқитиш ва қайта ўқитиш, уларни ривожланган мамлакатларга малака ошириш учун юбориш, ишбилармонларни ўқитиш учун ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш, тадбиркор сектори учун ходимларни танлаш бўйича маслаҳат марказларини очиш керак.

“Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонаси фаолияти тегишли ҳуқуқий муҳитда кечади. Шунинг учун керакли ҳуқуқий шароит яратиш катта аҳамиятга эга. Бу нарса биринчи навбатда тадбиркорлик фаолиятини тартибга келтирувчи фармонлар ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратиб берувчи қонунларнинг мавжудлиги, яъни корхоналарни рўйхатдан ўтиш жараёнининг қисқа ва оддий бўлиши; тадбиркорликни давлат бюрократизмидан ҳимоя қилиш; солиқ қонунчилигини такомиллаштириш; Ўзбекистон ва чет эл ишбилармонларининг ҳамкорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборатдир. Шу билан бирга бунга кичик тадбиркорлик ишларига кўмаклашиш ҳудудий марказларини ташкиллаштириш, статистика шакли ва ҳисоб-китобини такомиллаштириш киради. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолати масаласи билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

АҚШнинг тадбиркорлик соҳасида кўп йиллар мобайнида қўллаб келаётган қонунлар тизими бунга мисол бўла олади. Улардан бир нечасига эътибор берайлик (1.2.6-жадвал)¹²:

1.2.6-жадвал

АҚШда тадбиркорлик соҳасида узоқ йиллар мобайнида амал қилаётган қонунлар тизими

Қонунлар	Қонунларнинг асосий моҳияти
1	2
Трестларга қарши Шерман қонуни (1890 й.)	а) монополия ёки монополиялаштиришни тақиқлаш; б) штатлараро ёки ташқи савдони чеклашга қаратилган турли хилдаги шартнома, келишув ва бирлашмаларни таъқиқлаш.
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва медицина препаратларининг	Штатлараро савдо-сотиққа қалбакилаштирилган ёки марка ёпиштирилмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ташиш, сотишни тақиқлаш. Бу қонун 1938 йилда озиқ-овқат, дори-дармон ва косметика
Федерал савдо комиссияни таъсис этиш ҳақидаги қонун	«Савдода рақобатнинг виждонсизлик услуги ноқонунийлиги» ни текширувчи идорани- комиссияни таъсис этишни назарда tutади.
Клейтон қонуни (1914 й.)	Амалий фаолиятнинг айрим турларини тақиқ етувчи Шерман Қонунига қўшимча киритилди (нархларни кам-ситиш турларини аниқлаш, шартномага ҳамкор ҳаракатини чекловчи моддани киритиш, сотишнинг
Уилер Ли қонуни (1938 й.)	Рақобатга зарар келтириш ёки келтирмасликдан қатий назар нопок, фириб ҳаракат ва усулларни тақиқлаш; озиқ-овқат, дори-дармон рекламаси
Товарнинг асллиги унинг ўрами ва маркасида акс этиши	Кенг истеъмол товарлар ўрами ва маркалашига қоида жорий этилиши ўрам ичида нима борлигини, ишлаб чиқарган шахс номини ва ўрам ичидаги

¹² Предпринимательство: Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я.Горфинкеля, проф. Г.Б.Поляка, проф. В.А.Швандара. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2001. 18-бет.

Истеъмол товарларининг хавфсиз бўлишлиги хақидаги қонун (1972)	Истеъмол товарларининг хавфсиз бўлиши билан боғлиқ муаммолар бўйича комиссия таъсис этилиши ва унга истеъмол товарларига нисбатан хавфсизлик стандартларини қўллаш ва ушбу стандартларга риоя
Қарзларни виждонан ундириб олиш хақидаги қонун (1978)	Қарзларни ундириб олишда одамларни кўрқитиш, таъқиб қилиш, аёвсизларча муносабатда бўлиш, тўхмат қилиш ноқонуний деб эълон қилинди.

Давлатнинг ишбилармонлик фаолиятини тартиблаштириш кераклигини асослаб берар экан, Ф.Котлер ушбу қонунлар пайдо бўлишининг уч асосий сабабларини кўрсатиб берди:

- фирмаларни бир-биридан ҳимоя қилиш зарурлиги. «Тадбиркорлар бир овоздан рақобатни мақтайдилар, лекин уларнинг манфаати рақобат билан тўқнаш келганда уни бартараф қилишга ҳаракат қиладилар¹³».

Шундан келиб чиқиб, «фирром рақобат» нинг олдини олиш қонунлари пайдо бўлди:

- виждонсиз амалиётдан истеъмолчиларни ҳимоялаш зарурлиги.

Шундан келиб чиқиб, назоратсиз қолиб, сифатсиз товар чиқараётган, рекламада ёлғон ахборот бераётган, ўраш ва нарх ёрдамида алдаётган фирмаларга қарши қаратилган қонунлар жорий этилди.

1.3. Корхоналарга инвестицияларни жалб этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асослари

Корхоналарга инвестицияларни сарфлашдан мақсад–қўшимча фойда олиш ва фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилашдир. Уларнинг даражасини лойиҳалар тузишда ҳамда бу лойиҳаларни амалга оширишда аниқлаш мумкин. Бунинг учун инвестициялар (инвестициялар)нинг иқтисодий самарадорлиги аниқланади. Иқтисодий самарадорлик харажатлар билан фойда суммалари таққосланиши натижасида аниқланади. У:

- макроиқтисод, яъни мамлакат миқёсида;

¹³ Котлер Ф. Основы маркетинга: Пер. с англ. – М.: Прогресс, 2000. –с.168.

- мезоиктисод, яъни тармоқлар (қишлоқ хўжалиги) миқёсида;
- микроиктисод, яъни қишлоқ хўжалик корхоналари доирасида;
- айрим йўналишлар, объектлар бўйича ҳам аниқланади.

Макро ҳамда мезоиктисод миқёсида инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги уларнинг мутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлиги коэффиценти кўрсаткичи ёрдамида ифодаланади. Унинг даражаси сарфланган инвестициялар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ўсган суммасини шу ўсишни таъминлаган инвестициялар суммасига нисбати билан аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Ис(Кс) = \frac{ЯИМу}{\sum Ис(Кк)} = \frac{ЯДу}{\sum Ис(Кк)}$$

Бунда: Ис(Кс) – инвестициялар (капитал қўйилма)ларнинг мутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлик коэффиценти;

ЯИМ – макро, мезоиктисод(тармоқ) миқёсида маълум бир давр ичида ялпи ички маҳсулотнинг ўсган суммаси, сўмда. Бунда корхоналарда ялпи даромаднинг ўсган суммаси ҳам олиниши мумкин;

ΣИс (Кк) – инвестициялар ёки сарфланган капитал қўйилма суммаси. Бу кўрсаткич сарфланган 1 сўмлик инвестицион маблағ эвазига неча сўмлик ёки тийинлик ялпи ички маҳсулот ёхуд ялпи даромад олинганлигини ифодалайди. Унинг мутлақ (абсолют) миқдори имкони борица юқори бўлгани яхши. Шунда инвестицияларнинг мутлақ иқтисодий самарадорлик даражаси юқори бўлади. Кам бўлса, у иқтисодий самарадорлик даражаси паст бўлганлигидан далолат беради. Бундай ҳолда инвестицияларни сарфлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди.

Инвестициялар – аксарият ҳолларда узоқ муддатга мўлжалланган харажатлардир. Шунинг учун уларнинг бир неча йиллар давомидаги иқтисодий самарадорлигини аниқашда қиёсий баҳолардан фойдаланиш лозим. Бунда инфляция даражаси ҳисобга олинади. Келажакда бу баҳолар ўзгариши мумкин.

Шундай ҳолларда инвестициялар (инвестициялар) нинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш усулини аниқлаш;
- компаундинг (мураккаб фоизлар) усули;
- дисконтлаш усули.

Ўзини-ўзи қоплаш муддати – амалга оширилаётган лойиҳанинг фойдаси ҳисобидан дастлабки инвестициялар миқдорини қоплаш даври. Уни ҳисоблашда соф фойда молиявий харажатлар, фоизлар ва амортизация ажратмалари эътиборга олинади.

Компаундинг усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда дастлабки сумма ҳар йилги даромад фоизи ҳисобига ошиб боради. Бунда қуйидаги формулага амал қилинади:

$$\text{ЎҚ} = BK(1+i)^n$$

Бу ерда: ЎҚ - дастлабки инвестициялар суммасининг ўсган қиймати, сўмда;

БК - дастлабки инвестицияларнинг бошланғич қиймати, сўмда;

I – фоиз ставкасининг ўзгаришини кўрсатувчи бирлик;

n – давр, яъни муддат, йилда.

Инвестицияларнинг ўсган қиймати фоиз ставкаси билан давр муддатига боғлиқ. Фоиз ставкаси инвесторнинг муқобил қарорини ҳисобга олади, яъни пулни бирон лойиҳага қўйган самаралими ёки депозитга қўйган афзалми?

Дисконтлаш – ҳисоблаш принципи компаундингга нисбатан тесқари. Яъни дисконтлаш – келажакда бўлиши мумкин бўлган даромадни жорий баҳоларда ҳисоблаш. Мазкур ҳисобнинг амалий мазмуни шундан иборатки, бунда тушумларнинг минимал даражаси аниқланадики, у шу даромаддан кам бўлган ҳолатда инвестициялар қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Дисконтлашган қиймат фоиз ставкаларига боғлиқ.

Йиллик даромад бир хил бўлганда дисконтлашган қиймат (Дк) қуйидаги формула ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$Дк = \frac{K}{(1 + \Phi)^x}$$

Бунда: Дк – дисконтланган қиймат, сўмда;

К – банкларнинг фоиз ставкалари асосида олиниши мумкин бўлган қиймат, сўм;

х – йиллик даромад олиниши мумкин бўлган йиллар сони, йил;

Φ – банкларнинг фоиз ставкалари, фоиз;

Банкнинг йиллик фоиз ставкаси 5 фоиз, хўжалик икки йилдан сўнг 10 млн. сўмлик даромад олишни мўлжалланган бўлса, унда дисконтланган қиймат 9,07 млн. сўмга тенг бўлади.

$$Дк = \frac{10000000}{(1 + 0,05) + (1 + 0,05)} = 9070000 \text{ сўм}$$

Дисконтлаш натижасида қандай давр бўлишидан қатъи назар даромадларнинг реал қиймати аниқланади.

Корхона миқёсида сарфланиши лозим бўлган ёки сарфланган инвестициялар (капитал қўйилма) мутлақ (абсолют) инвестициялар(капитал қўйилма)ларни сарфлаш натижасида олинаётган соф фойданинг ўсган суммасини шу ўсишни таъминлаган инвестициялар (капитал қўйилма) суммасига тақсимлаш билан ҳисобланади. Унда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Ис(Kк) = \frac{Cф}{Ис(Kк)}$$

Бунда: Сф – капитал қўйилмани амалга ошириш натижасида олинган соф фойда ёки соф фойданинг ўсган суммаси, сўмда.

Бу кўрсаткич ёрдамида сарфланган бир сўмлик инвестициялар (капитал қўйилма) қанча сўмлик ёки тийинлик фойда келтирилганлиги аниқланади. Шунинг учун бу кўрсаткичнинг мутлақ (абсолют) миқдори юқори бўлгани мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда айрим меъёрий ҳужжатларда инвестициялар (инвестициялар) мутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлик даражаси

коэффициентининг меъёрий миқдори (E_m)-0,07 даражасида белгиланган. Шунга биноан сарфланаётган инвестицияларнинг ҳар бир сўми эвазига 7 тийин фойда олинса, бундай инвестициялар иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Ундан кам бўлганда эса инвестициялар самарали ҳисобланмайди. Шу билан биргаликда корхоналарда ирригация - мелиорация иншоотларига сарфланаётган инвестициялар (инвестициялар) мутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлик коэффициентиининг миқдори уларнинг узок йиллар давомида фаолият кўрсатишини эътиборга олган ҳолда 0,05 даражасида белгиланган. Бу коэффициентлар собиқ СССР даврида илмий-амалий жиҳатдан асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳам улардан фойдаланилмоқда. Лекин уларни республика шароитига мослаштирилган ҳолда кўриб чиқиш вақти ҳам келди.

Корхоналарда сарфланган инвестициялар (инвестициялар) доимо ҳам фойда суммаси ошишини таъминламайди, балки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ёки маҳсулот етиштириш учун қилинган ўртача харажатлар (маҳсулот таннархи) камайишига ҳам олиб келади. Шундай ҳолларда уларнинг иқтисодий самарадорлик даражаси тежалган маблағ қийматини сарфланган капитал қўйилма суммасига тақсимлаб ҳам аниқланади. У қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$I(K_c) = \frac{T_1 - T_2}{I_c(K_k)};$$

Бунда: T_1 – инвестициялар (капитал қўйилма) сарфланганидан олдинги таннарх суммаси, сўмда;

T_2 – инвестициялар (капитал қўйилма) сарфланганидан сўнгги таннарх суммаси, сўмда.

Бу кўрсаткичнинг ҳам мутлақ (абсолют) даражаси юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Инвестицияларнинг қоплаш муддати.

Унинг даражаси сарфланган инвестициялар суммасини олинган ялпи ички маҳсулотнинг, соф фойданинг ўсган суммасига тақсимлаш орқали аниқланади. Бунда қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

$$Им(K_m) = \frac{Ис(K_m)}{ЯИМ}; \quad Ис(K_m) = \frac{Ис(K_k)}{Сф}$$

Инвестицияларнинг қоплаш муддати қисқа бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан биргаликда инвестициялар (инвестициялар)нинг қиёсий самарадорлиги ҳам аниқланади.

Мавжуд адабиётларда инвестицияларнинг қиёсий самарадорлик коэффициенти 0,12 даражасида белгиланган. Унга 1 ни тақсимлаш натижасида инвестицияларнинг неча йилда қопланиши мумкинлиги аниқланади, яъни (1:0,12) 8,3 йилда қопланса, инвестициялар қиёсий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Корхоналар иқтисодиётнинг шундай секторидирки, у инвестиция муҳитида юз бераётган деярли барча ўзгаришларга мослашади. Корхоналар нуқтаи назаридан инвестиция муҳитининг жозибадорлик даражасини аниқлаш учун бутун мамлакат ва минтақаларда иқтисодий вазиятни кўрсатувчи омиллар, иқтисодиётнинг бу тармоғига инвестициялар киритиш қонунлар ва инфратузилмалар билан қанчалик таъминланганлиги, минтақада бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, малакали ишчи кучининг мавжудлиги, шунингдек, мана шу ва бошқа омиллар билан боғлиқ хатарлар бор ёки йўқлиги ғоят муҳимдир.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз корхоналар фаолиятининг жадал ривожланишига унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал

**Ўзбекистонда корхоналар субъектларига хизмат кўрсатувчи
мавжуд инфратузилма объектлари (2018 йил 1 январь ҳолатига,
бирликда)**

Инфратузилма объекти номи	Сони
Тижорат банклари филиаллари	1042
Минибанклар	2318
Ахборот-маслаҳат марказлари	262
Консалтинг марказлари	327
Аудитор фирмалари	113
Ўқув марказлари	917
Баҳолаш компаниялари	138
Товар хом ашё биржасининг савдо майдончалари	204
Микрокредит ташкилотлари	32
Кредит уюшмалари	103
Бизнес-инкубаторлар	34
Суғурта ташкилотлари	32
Брокерлик идоралари	1424

Жадвалдан кўринадики, бугунги кунда мамлакатимиз корхоналар соҳасига ўндан ортиқ турдаги 8 мингга яқин инфратузилма муассасалари хизмат кўрсатиб, фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Бунинг натижасида корхоналар субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда (1.3.2-жадвал).

1.3.2-жадвал

Ўзбекистонда корхоналар томонидан яратилган иш ўринлари

Кўрсаткичлар	Сони, нафар
2018 йилда яратиладиган жами янги иш ўринлари	940532
Ўтган йилга нисбатан, фоизда	142,3
Шундан қуйидаги асосий йўналишларда яратилган иш	

Ўринлари:	
Корхоналар соҳасида	391809
Ўтган йилга нисбатан, фоизда	104,7
Уй меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш, жами	196745
Шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда (меҳнат шартномаси асосида)	77466
Янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш	70587
Иш жойларини кўпайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари (Инқирозга қарши дастур ва бошқа қўшимча чоралар)	281391

Жадвалдан кўринадикки, мамлакатимизда 2018 йилда яратилган жами 940,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг 391,8 мингтаси (41,7 фоизи) корхоналар соҳасига тўғри келмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан 4,7 фоизга кўпроқ демакдир. Жами янги иш ўринларининг деярли 21 фоизи турли шакллардаги уй меҳнатини йўлга қўйиш, 7,5 фоизи янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш, деярли 30 фоизи иш жойларини кўпайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари амалга ошириш ҳисобига ташкил этилган.

Бунинг натижасида, “корхоналарда банд бўлганларнинг жами иқтисодиётдаги банд бўлганларга нисбатан улуши 2000 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 76,5 фоиздан ортиғи меҳнат қилмоқда”.

Бундан кўринадикки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасини жадал ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида амал қилмоқда.

Корхоналарнинг асосий хусусияти шундаки, унинг учун минтақавий омиллар қоида тариқасида, инвестициялар жалб этиш жараёнига таъсири жиҳатидан устунлик қилади. Инвестициявий муҳит таҳлилини тармоқлар

бўйича олиб бориш зарурлигини кўрсатиб ўтиш керак. Чунки, ижобий инвестициявий омиллар турли тармоқлар учун ўзига хос жиҳатларга эга. Баъзи ҳолларда бир тармоқда ижобий рол ўйнаши мумкин бўлган омиллар бошқа тармоқ учун салбий бўлади ёки агар муайян тармоқ учун бирон-бир кўрсаткич етарли даражада намоён бўлса, шу кўрсаткичнинг ўзи бошқа тармоқнинг муваффақиятли ривожланиши учун мутлақо кам бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда корхоналар учун тармоқлар бўйича инвестиция муҳити алоҳида қизиқиш туғдиради. Корхоналар учун ўзига хос баъзи кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ва инфратузилмасини ривожлантиришнинг минтақавий кўрсаткичи;
- эгаллаб турган бозор секторлари бўйича (масалан, хизматлар ёки савдо соҳасида) рақобатлашувчи йирик фирмаларнинг мавжудлиги ва ривожланиш даражаси;
- маҳаллий банк тизимининг ривожланиш даражаси ва бошқа омиллар.

Корхоналар ўзларига хос хусусиятлар туфайли инвестиция ресурсларини жалб этиш учун хизмат қиладиган кўп сонли манбаларнинг айримларидангина фойдалана оладилар. Масалан, шуни қайд этиш керакки, кичик тадбиркорликдаги ички молиялаш манбалари тадбиркор ўзини ўзи инвестициялаши учун берадиган имкониятлар йирик фирмаларнинг имкониятлари даражасида эмас. Шунга қарамай, бу манбалардан кичик тадбиркорликда фойдаланиш сезиларли самара беришга қодир бўлиб, жалб этиш самарадорлиги жиҳатидан бир қанча афзалликларга эга. Шундай қилиб, инвестиция ресурсларини шакллантиришнинг қулай манбалари сонини кўпайтириш ҳамда мавжуд манбалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳозирги вақтда, биринчи навбатда, кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тузилмаларининг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда.

Корхоналарнинг муҳим хусусияти шуки, у моддий шаклда оладиган

ресурслардан йирик фирмаларга қараганда анча самарали ва молиявий ресурсларга қараганда нисбатан самаралироқ фойдаланиш хусусиятига эга. Ушбу хусусиятга сабаб шуки, энг аввало, кичик корхонани бошқариш тузилмаси, одатда унчалик консерватив бўлмайди. Бу эса молиявий маблағлардан фойдаланиш учун салбий омил, буюм ҳолидаги инвестициялар учун эса ижобий омилдир. Молиявий инвестицияларни қидириб топиш, жалб этиш ва ишлаб чиқаришга киритиш жараёни ҳамма вақт анча расмийлашган ва меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган бўлади. Қоида тариқасида юқори даражали профессионал молиячиларга эга бўлмаган кичик корхона учун эса бу операция қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли кичик корхоналар моддий инвестицияларни жалб этиш имкониятларини кенгайтиришдан манфаатдор. Интеллектуал ресурслар (технологиялар, "ноу-хау", савдо маркалари ва бошқалар) бундан мустасно, лекин бу соҳада ҳам кичик корхона назарида тайёр маҳсулотни сотиб олиши учун маблағ етарли эмас, балки инвестициялар сифатида шу тайёр маҳсулотнинг ўзини олиш маъқулроқ.

Бозор ислохотларини амалга ошираётган бир қатор мамлакатларда моддий инвестицияларни жалб этишнинг турли шакллари орасида лизинг, франчайзинг ва толингдан жуда фаол фойдаланилмоқда. Бунинг устига, кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш органларининг мавжуд ва ишлаб чиқиляётган дастурий ҳамда меъёрий ҳужжатларида мазкур шаклларга катта ўрин берилмоқда. Моддий инвестициялашнинг турли шаклларида фойдаланиш самараси кўп жиҳатдан бундай операцияларда вужудга келадиган муносабатни тартибга соладиган махсус меъёрий базанинг ривожланиш даражаси, тегишли бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги билан белгиланади.

Хусусий тадбиркорликни ва бу соҳага инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлайдиган давлат сиёсатини амалга ошириш институциявий ва ҳуқуқий тизимни доимий равишда такомиллаштиришни талаб қилади. Бу тизимнинг самарали ишлаши

унинг барча унсурлари бир-бирининг вазифасини жуда кам такрорлаган ҳолда доимий равишда ўзаро алоқада бўлишини ҳамда фаолиятларининг мувофиқлаштирилишини тақозо этади. 2000 йилда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун кичик бизнесни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш соҳасида давлат фаолияти такомиллашувига олиб келди. Шу билан бирга, айтиш керакки, бозор муносабатларини шакллантириш шароитида кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш рағбатлантирадиган, танлаб қўлланиладиган бозор механизмларида мувозанат бузилишига олиб келмайдиган бўлиши керак.

I боб бўйича хулоса

1. Бозор муносабатлари талабидан келиб чиққан ҳолда келгусида корхоналарда инвестиция фаоллигини ошириш, уларни ушбу жараёнга жалб этишнинг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий механизмлари такомиллаштирилмоғи лозим.

2. Олиб борилган таҳлиллар шуни ифодалайдики, корхоналарда инвестицион фаолликни ошириш ва қулай инвестиция фаолиятини шакллантириш учун қуйидаги вазифаларни ижобий ҳал этиш лозим яъни:

- инвестицияларни корхоналарнинг молиявий таъминланганлик даражаси юқори бўлган соҳаларидан капитал маблағлар етишмайдиган соҳаларига йўналтирилишининг самарали бозор механизмларини яратиш;

- корхоналарни инвестициялаш учун капитал маблағларни жалб этилишини таъминлайдиган институтчионал бозор инфратузилмаси субъектларини ривожлантириш;

- ҳудудларда аҳоли, корхоналар субъектларининг ишлаб чиқариш инвестициясига капитал маблағларни жалб этиш ва йўналтириш билан шуғулланувчи инвестиция бозорларини шакллантириш;

- корхоналарда хизмат кўрсатувчи банк тизими фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг капиталлашув даражасини ошириш;

- инвестицияларни жалб этишнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш;

- корхоналарда лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва инвесторларнинг уларни асослаш ва қабул қилишидаги иштирокини такомиллаштириш;

3. Ўтказилган сўров натижасида амалга олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, вилоятдаги айрим корхоналарда ажратилган инвестиция маблағлари фақатгина айрим ишлаб чиқариш жараёнларида кўпроқ сарфланмоқда;

4. Корхоналарда инвестиция фаоллигини оширишда Хитой Халқ Республикасининг (ХХР) амалий тажрибаси, Ўзбекистонда бу жараённи ташкил этиш ва ривожлантиришда ижобий таъсир кўрсатади деб ҳисобланган;

5. Қашқадарё вилояти корхоналарида корхоналарни инвестицион фаоллигини оширишда мавжуд бўлган барча имкониятлардан кенг фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади;

6. Корхоналарда инвестиция фаоллигини оширишнинг имкониятлари тармоқда асосий фаолиятини ривожлантиришга боғлиқ бўлиб, ушбу корхоналарда шаклланган ишлаб чиқариш натижаларига моддий жавобгарлик ва манфаатдорлик учун шарт-шароит яратиш лозим.

II Боб. Корхоналарга инвестицияларни жалб этиш орқали маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш ҳолати ва ривожланиши

2.1 “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашнинг ҳозирги ҳолати ва унинг самарадорлиги

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари қаторидан корхоналарни ривожлантириш ҳам ўрин олган. Бинобарин, корхоналар жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётганлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Корхоналар ўз фаолиятлари билан энг муҳим, долзарб муаммони, яъни ички бозорнинг кенг халқ истеъмол молларига бўлган талабини қондириш ва ишсизликни тугатишдек ижтимоий муаммони ечишга ёрдамлашади.

«Косон ёғ-экстракция» АЖ акциядорлар навбатдан ташқари умумий йигилишининг 2010 йил 13 ноябрдаги 30-сонли «Косон ёғ-экстракция» АЖ Ўзбекистон Америка қўшма корхонасини очиқ акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги қарорига асосан ташкил топган.

Жамиятнинг асосий фаолият доираси, истеъмолчиларнинг манфаатларига жавоб берадиган маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш, ва турли фаолият соҳаларида хизматларга эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади.

Ўз фаолиятининг мақсадига эришиш учун жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- барча турдаги ўсимлик ва данак ёғларини қайта ишлаб ундан ўсимлик ёғи, шрот, шелуха ва соапсток ишлаб чиқариш, ёғ маҳсулотларини қадоқлаш ва сотиш;
- совун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- қишлоқ хўжалик, чорвачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, сотиб олиш ва сотиш;
- халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ишлаб чиқариш-техник характердаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

- улгуржи ва чакана савдо, ҳамда савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошириш;
- ёқилги қуйиш шахобчаларини ташкил этиш, нефть маҳсулотлари савдосини ташкил этиш;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;
- транспорт ва экспедиторлик хизматлари кўрсатиш.

Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

Жамият устав фондининг миқдори 2 392 403 200 (икки миллиард уч юз тўқсон икки миллион тўрт юз уч минг икки юз) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 2 200 (икки минг икки юз) сўм бўлган 1 075 949 (бир миллион етмиш беш минг тўққиз юз қирқ тўққиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 11 507 (ўн бир минг беш юз етти) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

«Косон ёғ-экстракция» АЖ нинг асосий ишлаб чиқариш ускуналари:

1-январь 2018 йил ҳолатида: 2018 йил 1-Январьда асосий ишлаб чиқариш фондлари 14 184 392 минг сўмни ташкил қилди. Шу жумладан: бинолар 4279876,6 минг сўм, иншоотлар 407 432,9 минг сўм, узатиш қурилмалари 652 170,7 минг сўм, машина ва жиҳозлар 8 018 599,5 минг сўм, транспорт воситалари 512 012,9 минг сўм, мебель ва офис 183 781,6 минг сўм, компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси 103 388,8 минг сўм, бошқа асосий воситалар 27 129 минг сўм.

Айланма маблағлар билан таъминланганлик 2018 йил 1 январь холатига 2 млрд 153 млн 457 минг сўмни ташкил қилди.

«Косон ёғ-экстракция» АЖ Асосий технологик жараёнлари:

Ишлаб чиқариш ускуналари асосан пахта чигити, соя дони ва барча турдаги ноанаънавий уруғларни қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, узлуксиз иш тартибида ишлайди. Ишлаб чиқаришнинг бир суткалик қуввати корхона паспортига асосан 400 тонна пахта чигитини ташкил қилади. Бу эса бир йилда 126,0 минг тонна пахта чигитини қайта ишлаш имконини беради. Асосий махсулот бўлган пахта ёғи, жувоз ва экстракция йўли билан олинади. Пахта чигити мағизи шелушителлар ёрдамида ажратиб олиниб, вальсовкаларда эзилиб помол ҳолига келтирилади ва жаровни яъни қовуриш ускунаси ёрдамида қовурилиб ЕТП-20, ЕТП-20-16 пресларига узлуксиз узатиб турилади. Бу преслар ёрдамида мағиз таркибидаги тахминан 68-78 фоиз пахта ёғини сиқиб олиниб чиқарилган кунжара таркибида қолган ёғни олиш учун экстракция цехига узатилади ва кейинги жараён кунжарада қолган ёғни экстракция йўли билан, “НД-1250” русумли вертикал экстракторда кунжара таркибидаги ёғни экстро-бензин билан эритирилиб, ушбу аралашма яъни мисселла таркибидан ёғни бирламчи ва иккиламчи дистиляция қурилмаси ёрдамида ажратиб олинади. Ажралган бензин эса совутилиб, қайта ишлаб чиқариш жараёнига узатилади. Шу жараён натижасида ажратиб олинган тостирланган шротни камгоссиполли шрот ишлаб чиқарилгандан кейин узатиш қурилмаси ёрдамида шрот омборига истеъмолчиларга етказиб бериш учун юборилади.

«Косон ёғ-экстракция» АЖ асосий ишлаб чиқариш жараёнлар кетма-кетлиги:

- пахта чигитини қабул қилиш ва сақлаш;
- пахта чигитини тозалаш, намлаш, чақиш;
- пахта чигитини магзини пучоғидан ажратиб, кейинги ишлаб чиқариш жараёнига юбориш;

- чигит мағзини янчиш ва уни иссиқлик ва намлик ёрдамида ёғини олишга тайёрлаш;
- уни қовуриб жувоз ёрдамида мағизни сиқиб ёғини олиш ва олинган қора ёғни тозалаб оқлов цехига узатиш;
- кунжарасини кейинги жараёнларга узатиш;
- жувоздан чиққан кунжарани экстракция цехида қайта ишлаб таркибида қолган ёғни олиб оқлов цехига узатиш;
- олинган тостирланган шротни эса шрот омборига узатиб камгоссиполли шрот ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга сотиш.

Жувоздан ва экстракция цехидан олинган қора ёғни ёғ оқлов цехига қувурлар орқали узатилиб, қайта ишланади, яъни ишқорли эритма ёрдамида нейтралланиб унинг таркибидаги соапсток ажратиб олинади. Нейтралланган ёғ қайноқ сувда ювилади ва вакуум қуритиш аппаратида қуритилади. Бу жараён бажарилгач ёғ филтрланиб тайёр маҳсулот – пахта ёғи олинади. Оқлаш жараёнида ажралиб чиққан соапстокдан эса СЖК, ДЖК ишлаб чиқариб совун ишлаб чиқаришга ёки бошқа заводларга хом-ашё сифатида сотилади. Экстракция цехидан келган қора ёғни оқлаб, олинган ёғни бошқа қайта ишлаш корхоналарига хом-ашё сифатида сотилади ёки доглаш цехида доглаб истеъмол ёғи сифатида кадоклаб сотилади. Жувоз усулида олинган қора ёғни ҳам оқланади.

Оқланган ёғни хидсизлантириш цехида хидсизлантирилиб, хидсизлантирилган ёғнинг хаммаси кадоклаш цехига узатилади.

Хидсизлантирилган ёғни 1-2-5 литрли ПЕТ идишларга кадокланади ва истеъмолчиларга сотилади.

Корхона асосан оқланган пахта ёғи, шрот, шелуха ва соапсток ишлаб чиқаради. Жами товар маҳсулот амалдаги нархлардаги суммаси ҳажмида маҳсулотларнинг миқдори (2.1.1-жадвал):

- | | |
|-------------|---------|
| ■ пахта ёғи | 37,2 % |
| • шрот | 26,94 % |

- шелуха 7,76 %
- соапсток 0,40 %
- доғлаш хизмати 3,65 %
- кадоклаш хизмати 11,89 %
- касаначилик ва четга қадоглаш хизматидан 0,12 %
- джк ишлаб чиқариш 2,13 %
- ва ҳоказо 9,96 % ни ташкил қилади

2.1.1-жадвал

**Қашқадарё вилояти « Косон ёғ-экстракция » АЖ корхонасида
2016 – 2018 йилларда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисида
таҳлилий маълумот**

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирли ги	Йиллар			2018 йил 2016 йилга нисбатан, %ДА	
			2016	2017	2018	+ ; - ;	%
1.	Пахта чигитини қайта ишлаш	тонна	98548	90287	88359	-10189	89,7
2.	Масхар дони	тонна	69	56	68,5	-0,5	99,3
3.	Кунгабоқар ёғи	тонна	7	10	848,2	841,2	12117,1
4.	Соя дони	тонна	-	336	701,4	701,4	0
5.	Доғланмаган пахта ёғи	тонна	18474	16544	15991	-2483	86,56
6.	Доғланмаган масхар ёғи	тонна	13	10,15	13	0	100
7.	Доғланмаган соя ёғи	тонна	-	61,1	115	115	0

8.	Доғланмаган кунгабоқар ёғи	тонна	1,5	3	302	300,5	20133,3
9.	Доғланган пахта ёғи	тонна	16418	14619	14075	-2343	85,8
10.	Доғланган масхар ёғи	тонна	11	9	11	0	100
11.	Доғланган соя ёғи	тонна	-	54	101	101	0
12.	Доғланган кунгабоқар ёғи	тонна	1	2,3	269	268	26900
13.	Пахта шроти	тонна	44343	40643	39851	-4492	89,9
14.	Масхар шроти	тонна	52,5	43	53	0,5	100,9
15.	Соя шроти	тонна	0	259	552	552	0
16.	Кунгабоқар шроти	тонна	5	7	509	504	100180,0
17.	Шелуха	тонна	30981	28408	28245	-2736	91,2
18.	Пахта соапстоги	тонна	1761	1660	1660	-101	94,3
19.	Масхар соапстоги	тонна	1	1	1	0	100
20.	Соя соапстоги	тонна	0	6	11	11	0
21.	Кунгабоқар соапстоги	тонна	0	0,2	27	27	0
22.	Қадоқланган ёғ хаммаси	тонна	8918	7697	6499	-2419	72,88
23.	Доғланган ёғи	тонна	9951	7726	7238	-2713	72,74

Манба : “ Косон ёғ-экстракция ” АЖ нинг маълумотлари асосида ҳисобланган.

Бундан ташқари, республикамизда амалга оширилаётган бир қанча чора-тадбирлар, жумладан, 2015 йил май ойидан бошлаб асосий мақсади - корхоналарни доимий равишда замонавий технологиялар ва янги банк хизматлари билан таъминлашдан иборат бўлган "Business Leasing" компаниясининг фаолият юритиши; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2017 йил 7 июлда хусусий тадбиркорликка келажакда янада яхши шароитлар яратиш, бизнес муҳитини такомиллаштириш, республика тадбиркорларининг хорижий тадбиркорлар билан алоқаларини ўрнатиш, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозордаги фаолликларини ошириш, мамлакатимизга хорижий сармояларни кўпроқ, жалб қилишдир.

Шу жумладан Қашқадарё вилоятида корхоналарни ривожлантириш мақсадида устувор йўналишлари ажратилган кредитлар миқдорини кўриб чиқадиган бўлсак қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

Корхоналарни ривожлантиришни жадаллаштириш ва унинг ЯИМдаги улушини кўпайтириш, бозор иқтисодиёти талабларига мос товар ва хизматлар бозорини шакллантириш ҳамда маҳсулот экспортини оширишда:

- хорижий инвестицияларни корхоналар фаолиятига жалб этишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;
- давлат ташкилотларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш;
- хусусий тадбиркорларнинг ресурслар ва сотиш бозорларида иштирокини кенгайтириш;
- молиявий қўллаб-қувватлаш ва қўшимча солиқ имтиёзларини жорий этишдаги асосий вазифалар жумласидандир.

Корхоналар мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг такомиллашуви ҳамда миллий фаровонликка эришишнинг

муҳим омилидир. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонаси улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонаси ривожлантиришнинг аҳамияти бекиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасини жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Корхоналар субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. 2018 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга туширилиши натижасида 23,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағ мазкур корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Вилоятда корхоналар субъектларини тижорат банклари томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни кўриб чиқадиган бўлсак 2018 йил якунларига кўра, вилоятда кичик бизнес субъектлари (9713 та лойиҳа)га ажратилган кредитлар ҳажми 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ошиб, қарийб 373,0 млрд. сўм (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 86,5 млрд. сўмга кўп)ни ташкил этди ва 2017 йил учун белгиланган 263,1 млрд. сўмлик прогноз кўрсаткичи 142,0 фоизга бажарилди ҳамда соҳада 19842 та қўшимча янги иш ўринлари яратилди (2.1.2-жадвал).

2.1.2 -жадвал

Қашқадарё вилояти « Косон ёғ-экстракция » АЖ корхонасида 2016 – 2018 йилларда қайта ишланган пахта чигити ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида таҳлилий маълумот

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2018 йил 2016 йилга нисбатан, %да	
			2016	2017	2018	+ ; - ;	%
1.	Хом-ашёни қайта ишлаш	тонна	98624	90689	89977	-8647	91,23
2.	Шундан: пахта чигити	тонна	98548	90287	88359	-10189	89,66
3.	Тозаланмаган пахта ёғи	тонна	18474	16544	15991	-2483	86,56
4.	Пахта шроти	тонна	44343	40643	39851	-4492	89,87
5.	Шелуха	тонна	30981	28408	28245	-2736	91,17
6.	Тозаланган пахта ёғи	тонна	16418	14619	14075	-2343	85,73
7.	Соапсток	тонна	1762	1668	1700	-62	96,48
8.	Қадоқланган ёғ ишлаб чиқариш	тонна	8918	7697	6499	-2419	72,88
9.	Хўжалик совуни ишлаб чиқариш	тонна	224	96	197	-27	87,95
10.	Доғланган ёғ	тонна	9951	7726	7238	-2713	72,74
11.	Ўзбекистон мойи	тонна	-	1000	-	0	0
12.	Сариёғ	тонна	1,9	1,8	1,9	0	100

13.	Қаймоқ	тонна	3,2	2,9	3,3	0,1	103,13
14.	Кефир	тонна	5,4	9,4	4,0	-1,4	74,07
15.	Бринза	тонна	2,92	2,6	3,0	0,08	102,74
16.	Ялпи махсулот амалдаги нархда	минг сўм	89901458	88983578	116789085	26887627	129,91
17.	Халқ истеъмоли моллари	минг сўм	32574064	32694179	44449464	11875400	136,46
18.	Озиқ-овқат махсулотлари	минг сўм	31914453	43122163	43461366	11546913	136,18
19.	Ноозик-овқат махсулотлари	минг сўм	659611	780768	988098	328,487	149,80

Манба : “ Косон ёғ-экстракция ” АЖ нинг маълумотлари асосида ҳисобланган.

Қайси тармоқда фаолият юритишларига боғлиқ равишда кичик бизнес субъектлари қуйидаги солиқ имтиёзларидан фойдаланишлари мумкин:

- 2018 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;

- 2017 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди ва уларнинг четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;

- 2017 йил 1 январгача 15 хилдаги ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан, шунингдек, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарини импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

Корхоналарни ривожлантириш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар соҳанинг иқтисодий ривожланишдаги, аҳолини иш билан

бандлилиги ва даромадларининг ўсишидаги роли янада кучайиши ҳамда ЯИМ, экспорт ва тармоқлар ҳамда соҳаларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қилади.

2.2. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида эркинлаштириш ва ривожлантириш жараёнида нарх-навонинг шаклланиши

Айни пайтда банкларнинг кредит портфели таркибида жиддий ўзгаришлар юз бермокда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi давом этаётганига қарамай банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини фаол қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди. Жорий йил бошига келиб жами кредит қўйилмалари миқдори 8,5 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Тижорат банклари капиталлашув даражасининг ортиши иқтисодиётнинг реал секторида инвестицион фаолликнинг ўсишини таъминлашда банк кредитларининг аҳамиятини ортишига олиб келди. Биргина корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 2,4 трлн. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари улушини ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди.

Ушбу тенденцияни яқин истиқболда изчил ошириб бориш вазифаси белгилаб олинган бўлиб, банклар томонидан берилган кредитлар таркибида инвестиция кредитларининг улушини ортиб бориши, мамлакатимиздаги кенг қамровли инвестиция сиёсатни олиб боришда банкларнинг аҳамиятини ортиши натижаси ўлароқ уларнинг йирик инвестиция муассасаларининг айланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармойиши билан

иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича бир катор имтиёзлар (кўмаклар) берилган.

Юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжат орқали тижорат банклари ҳам муайян имкониятлар берилган. Жумладан:

- банкрот корхона негизида устав жамғармаси 100 фоизгача бўлган янги корхона ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реконструкция қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлик ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солган ҳолда, 2009 йилда белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш, шунингдек, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк тасарруфида бўлган барча бозор дастакларини қўллаш кўламини кенгайтирди.

Банк тизими ликвидлигини тартибга солиш дастаги сифатида 2009 йил давомида Марказий банк томонидан мунтазам равишда кенг қўлланилди. Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилган Давлат ўрта муддатли облигациялари ва Марказий банкнинг облигациялари билан

бирламчи ва иккиламчи бозорларда олди-сотди операциялари амалга оширилиб борилди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Марказий банк бошқаруви асосида банк тизимида бир қанча амалий ишлар олиб борилди.

Банклар капиталлашув даражасининг, банк ликвидлигининг оширилиши пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади. Шу билан биргаликда кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлашни фаоллаштиришда уларнинг барқарор ресурс базасини шакллантириб беради.

Ўзсаноатқурилишбанк, Микрокредитбанк, Халқ банки, Агро банк, Асака банки ва Қишлоқ қурилиш банки устав капиталларига давлат маблағлари йўналтирилди. Натижада 2018 йилнинг ўзида тижорат банкларининг низом капитали 43 фоизга ошди ва бу ўз навбатида банк капиталларини халқаро тартибга солишининг Базель-2 стандартлари бўйича бегиланган меъёрдан банкларимизнинг капиталларини етарлилик даражаси 3 мартадан кўпроқни ташкил қилди. Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди ва бугунги кунда 3 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Марказий банк томонидан ички валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш, унинг доимий барқарор фаолият юритишни таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиб борилди.

Жорий йилда Марказий банк пул-кредит сиёсатининг билвосита дастакларидан фойдаланишни янада кенгайтириш билан бир қаторда, ўзгарувчан фоиз ставкаларини тезкор бошқариш давом эттирилди. 2018 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан жами 293 та миллий валютадаги ва 118 та хорижий валютадаги омонат турлари аҳоли, корхона ва ташкилотларга тақдим этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ҳозирги вақтда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар энг аввало банк тизими билан бевосита

боғлиқ бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам банк кредитларидан самарали фойдаланиш, уларнинг энг қулай шаклларидан, жумладан, истеъмол ва ипотека кредитидан фойдаланиш ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда Республикамиз аҳолиси учун истеъмол ва ипотека кредитининг турли хил вариантлари жорий этилган бўлиб, Республика тижорат банклари томонидан аҳолининг ушбу кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки, истеъмол кредитларининг берилиши аҳоли учун Республикада ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратиб берса, ипотека кредитлари ёш oilалар ва бошқа тоифадаги аҳолининг уй-жой билан таъминланиши даражасини оширади.

2018 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон банклари Ассоциациясига аъзо 19 та тижорат банки томонидан 40 дан ортиқ турдаги истеъмол кредити жорий қилинган бўлиб, улар 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга берилади. 2009 йилнинг октябрь-ноябрь ойлари давомида 11 та янги турдаги истеъмол кредитлари муомалага чиқарилди. Бундан ташқари баъзи банклар томонидан амалдаги истеъмол кредитларининг шартлари ва талабларига бироз ўзгаришлар киритилди.

Ҳозирда 20 та тижорат банклари томонидан 37 та турдаги ипотека кредити жорий қилинган бўлиб, улар 3 йилдан 15 йилгача бўлган муддатга берилади. Ипотека кредити уй-жой сотиб олиш, қуриш ва олдиндан сотиб олинган уй-жойларни таъмирлаш учун ажратилади.

2018 йилда тижорат банклари томонидан корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2017 йилдагига нисбатан 1,4 баробар кўпроқ кредит ресурсларини ажратиш устувор йўналиш қилиб белгиланди. Шу билан бирга, микрокредитларнинг даражаси эса 1,3 баробарга ўсиши кутилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз тижорат банклари ҳамда янги ташкил топаётган кредит институтлари ўртасида тенг ва беғараз рақобат вужудга келмоқда. Бу эса тижорат банклари бошқарув стратегиясининг тўғри

танланганлиги, активларнинг ишончли жойлаштирилганлиги, мажбуриятларни бажариш ва ликвидлиликни таъминлашда ижобий натижаларга эришиш зарурлиги ҳамда шу асосда юқори даромадга эришиш мумкинлигидан дарак бермоқда.

2.3 “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида маҳсулот сифати ва уни рақобатбардошликка таъсири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири – бу “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасини ривожлантиришдир. Халқаро андозалар талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонаси субъектларига ривожланган хориж давлатларининг ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонаси субъектларига ривожланган хориж давлатларининг ишлаб чиқариш технологиялари зарур бўлади, лекин бундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истаги бўлган корхоналар субъектларининг барчаси ҳам ўз маблағлари ҳисобидан бу ишни амалга ошира олмайди. Бунда “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонаси субъектларининг яхши инвестицион лойиҳалари хорижий кредит линиялари ва банклар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвал

Қашқадарё вилояти « Косон ёғ-экстракция » АЖ корхонасида 2016 – 2018 йилларда маҳсулот чиқиши туғрисида таҳлилий маълумот

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2018 йил 2016 йилга нисбатан, % да	
			2016	2017	2018	+ ; - ;	%
1.	Корхона қувватидан фойдаланиш	%	46,3	42,4	41,5	4,80	89,63
2.	Қора ёғнинг чиқиши	%	18,75	18,32	18,10	0,65	96,53

3.	Шрот чиқиши	%	45,0	45,02	45,1	0,10	100,22
4.	Шелуха чиқиши	%	31,44	31,46	31,97	0,53	101,69
5.	Табиий йуқотишлар	%	4,82	5,2	4,80	-0,02	99,59
		тонна	4749,5	4691,7	3,28	-4746,22	0,07
6.	Оқланган ёғ чиқиши	%	88,87	88,36	88,02	0,85	99,04
7.	Соапстокнинг чиқиши	%	9,54	10,04	9,57	0,03	100,31
		тонна	1760,98	1660,25	1,191	-1259,79	0,07
8.	Қайтмас йуқотишлар	%	1,6	1,6	1,6	0	100
		тонна	295,54	264,708	0,199	-295,34	0,07
9.	Жами қора ёғ таркибидаги форпресс қора ёғ миқдори	%	67,8	63,35	88,83	21,03	131,02

Манба : “ Косон ёғ-экстракция ” АЖ нинг маълумотлари асосида ҳисобланган

Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий бизнесни молиявий қўллаб қувватлашда хорижий кредит линиялари маблағларини банклар орқали реал секторга жалб қилиш ҳисобига кичик ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Келажакда улар негизида молиявий жиҳатидан бақувват кўп тармоқли йирик ишлаб чиқариш корхоналари шаклланиши кўзда тутилади.

Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар тадбиркорлик субъектларига экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа миллий хом-ашё ресурсларини қайта ишлашни машинасозлик ва электрон саноати учун деталлар ва узеллар ҳамда кундалик эҳтиёжи ҳалқ истеъмоли товарларини назарда тутадиган инвестицион лойиҳаларга ўрта ва узоқ муддатга берилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки “Агробанк”,

“Ўзсанотқурилишбанк”, “Асакабанк”, “Ипотека банк” ва “Хамкорбанк” томонида корхоналарда субъектларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари жалб қилинган.

Шу соҳада эришилаётган ютуқларимиздан ташқари айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқда.

Тадбиркорлар томонидан тақдим этилаётган техник иқтисодий асоснома (ТИА) ларнинг яхши ишланмаганлиги хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишининг кечикишига асосий сабаб бўлмоқда. Аксарият ҳолларда тақдим этилган ТИА ларда сотиб олинadиган хом-ашёлар нархларининг камайтирилиб кўрстилиши сотиб олинadиган технологик ускуналар ҳамда сотиладиган маҳсулотлар нархларининг реал нархларга нисбатан ошириб кўрсатилиши ТИА ларнинг қайта тайёрлашига ва тадбиркорликнинг ортиқча вақт сарфлаб овора бўлишига сабаб бўлмоқда.

Чет эл кредитлари ўз вақтида ўзлаштирилмаслигининг яна бир сабаби кредит берилишида асосий шартлардан бири бўлган кредит таъминотининг етишмаслигидир. Инвестицион лойиҳалари маъқуллаган тадбиркорлик субъектларининг 40-50 фоизи белгиланган миқдордаги ёки ликвидли таъминот тақдим этилмаганлиги сабабли молиялаштириш кечикмоқда.

Хозирда ушбу муаммоларнинг ечимини топишга айрим омиллар яъни:

- кўчмас мулк бозорининг (ишлаб чиқариш тавсифидаги) ривожланмаганлиги;
- қимматли қоғозлар бозорининг етарли ривожланмаганлиги;
- кафил бўла оладиган молиявий барқарор корхоналарнинг камлиги салбий таъсир кўрсатмоқда.

2.3.2 - жадвал

Қашқадарё вилояти « Косон ёғ-экстракция » АЖ корхонасида 2016 – 2018 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи кўрсаткичлари тўғрисида таҳлилий маълумот

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2018 йил 2016 йилга нисбатан, %да	
			2016	2017	2018	+ ; - ;	%
1.	Товар маҳсулот ҳажми амалдаги нархларда	млн. сўм	89901	88984	116789	26888	129,91
2.	Сотилган маҳсулотнинг тула таннари	млн. сўм	69630	8673776 7	106978 412	10690 8782	15363 8,39
3.	Шу жумладан : ишлаб чиқариш таннари	млн. сўм	71926	76974	101606	29680	141,26
4.	Давр харажатлари	минг. сўм	11560	11191	188463 34	18834 774	16303 0,57
1 сўм товар маҳсулотга кетган сарф:							
5.	Ишлаб чиқариш таннарида	тийин	80	86	87	7	108,75
6.	Ишлаб чиқариш таннаридан фойда	млн. сўм	17976	12827	15183	-2793	84,46
7.	Ишлаб чиқариш таннаридаги самарадорлик	%	25,8	15,2	14,9	-10,9	57,75

Манба : “ Косон ёғ-экстракция ” АЖ нинг маълумотлари асосида ҳисобланган.

Корхоналар субъектларининг кредит олишда таъминотининг етишмаслиги муаммоси фақат бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда эмас балки ривожланган АҚШ, Япония ва Европа давлатларида ҳам мавжуд. Ушбу давлатларда бу муаммо Давлат кафолат фонди орқали тижорат банклари кредитларининг 50-80 фоизгача миқдордаги кафиллик бериш орқали ўз ечимини топади. Ушбу муаммонинг долзарблигини инобатга олиб кредит берилишида таъминотнинг етишмаслиги муаммосини ҳал этиш мақсадида, корхоналарни риволантиришни рағбатлантириш бўйича Республика муваффақлаштирувчи кенгашнинг 2003 йил 25 июндаги йиғилишида молия вазирлиги ва бошқа мутасадди вазирликларга Корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат фондини тузиш юзасидан

тегишли тавсиялар берилди.

Давлат кафолат фондини ташкил этишдан асосий мақсад, кредит олишда таъминоти бўлмаган ёки қисман бўлган тадбиркорлик субъектларига кафолат берадиган молиявий институтни вужудга келтиришдир.

Ушбу фонд банк депозитига қўйиладиган кафолат капиталига эга бўлиб, қарздор кредит бўйича тўловларни амалга оширишга ноқобил бўлиб қолган тақдирда, уни тўлаш манбаси бўлиб хизмат қилади. Жамғарма томонидан кафолат бўйича мажбуриятлар бажарилгандан кейин, унга қарздордан кафолат бўйича банкка тўланган суммани олиш ҳуқуқи ўтади.

Тадбиркорлик субъектларининг кафолат фондига ёки фонд билан ҳамкорлик қилаётган банкка тақдим қилган аризаси унга кафолат беришга асос бўлиб хизмат қилади. Кафолатлар фақатгина асосий қарз бўйича ва тўлов асосида берилади. Ташкил этиладиган фонд, бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ҳудудлари ва тармоқларида капитал қўйилмаларини тақсимлайдиган инструмент бўлиб хизмат қилади. Фонд ушбу вазифани миллий иқтисодиёт ёки маълум бир ҳудуд ривожланиши дастури ва концессиясига мос тушадиган инвестицияларнинг қайтиши учун кафолат бериш йўли билан бажаради. Давлат кафолатлари одатда, инвесторлар томонидан ҳар томонлама ишончли восита сифатида тан олинади. Фонд томонидан 100 фоизли кафолатларнинг тақдим қилиниши мумкин эмас. Сабаби, бундай ҳолат қарздорлар фаолиятининг нораціонал қилиб қўяди, яъни кредиторлар таваккалчиликни жиддий таҳлил қилмаслиги ва инвестициянинг ўзини оқлаш даражасини ҳисобга олмаслиги мумкин. Шунинг учун қарз олувчи тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда фонд томонидан инвестициянинг ўртача 50 фоизидан ошмаган миқдорда кафолат бериш тартибини ўрнатиш мақсадида мувоффақ бўлади. Миллий иқтисод манфаатлари нуқтаи назаридан муҳимроқ ҳисобланган инвестициялар учун мазкур меъёр оширилиши, муҳимлик даражаси пастроқ бўлган лойиҳалар учун камайтирилиши мумкин (2.3.3-жадвал).

2.3.3- жадвал

Қашқадарё вилояти « Косон ёғ-экстракция » АЖ корхонасида 2016 – 2018 йиллар молиявий фаолият тўғрисида таҳлилий маълумот

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2018 йил 2016 йилга нисбатан, %да	
			2016	2017	2018	+ ; - ;	%
1.	Ялпи маҳсулот амалдаги нархларда	минг сўм	89901458	88983578	1167890 85	26887 627	129,9
2.	1 кг маҳсулот (қадоқланган ёғ) га тўғри келадиган тушум	минг сўм	10080,9	11560,8	17970,3 2	7889,4 2	178,3
3.	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	минг сўм	69630000	84420266	8673776 7	17107 767	124,57
4.	1 кг маҳсулот (қадоқланган ёғ) нинг таннари	минг сўм	7807,8	10967,9	13346,3 3	5538,5 3	170,93
5.	Давр харажатлари	минг сўм	11560105	11191107	1884633 4	72862 29	163,03
6.	Сотилган маҳсулотнинг ялпи фойдаси	минг сўм	20271458	4563312	3180876 7	11537 309	156,91
7.	1 кг маҳсулот (қадоқланган ёғ) дан олинадиган фойда	минг сўм	2273,1	592,9	596,5	- 1676,6	26,3
8.	1 кг маҳсулот рентабеллиги	%	29,1	5,4	5,5	-23,6	18,9

Манба : “ Косон ёғ-экстракция ” АЖ нинг маълумотлари асосида ҳисобланган.

Кредитларини кафолатлаш нафақат қарздорни турли молиявий йўқотишлардан ҳимоя қилади, у хаттоки бутун тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг муҳим инструменти сифатида ҳам хизмат қилади. Чунки, давлат кафолат жараёнида иштирок этиб кредиторлар билан биргаликда таваккалчиликни ўзаро ўртада тақсимлаган ҳолда кредит маблағларини жалб қилишни тезлаштиради.

Хорижда кафолатлаш тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг энг оммавий шаклларида бири бўлиб ҳисобланади ва давлат кафолат фондларининг асосий таъсисчиси сифатида қатнашади.

Ҳозирги кунда АҚШ Кичик бизнес Администрацияси (The Small Business Administration), Канада кичик бизнес кредитлари тўғрисидаги қонуни тизими (SBLA), Буюк Британиядаги Кредит кафолати тизими (LGS) фаолият юритишмоқда. Кафолатлаш тизими 1994 йилдан бошлаб Германия, Бельгия, Испания, Франция ва Италия давлатларида ҳам ўз фаолиятини амалга ошира бошлади. Жануби-Шарқий Осиёдаги мамлакатларда, хусусан, Япония, Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезия давлатларида мазкур амалиёт 30 йилдан ортиқ давр мобайнида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мисол учун, Японияда мазкур тизим 1947 йилдан, Жанубий Кореяда 1971 йилдан, Малайзияда 1971 йилдан ва Индонезияда 1972 йилдан бошлаб давлат кафолат тизими амал қила бошлаган.

Корхоналарни қўллаб-қувватлаш Давлат кафолат фондининг бошланғич маблағини эса қуйидаги маблағлар, яъни:

- давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган тушумлар;
- давлатнинг бошқа ликвидли активлари (акциядорлик жамиятларидаги давлат акциялари);
- жамғарма фаолиятининг даромадлари;
- ҳомийлик ажратмалари ҳисобига шакллантириш мумкин.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда, корхоналар субъектларига кредитлар берилишида таъминотнинг етишмаслик муаммосини ҳал этиш мақсадида корхоналарни қўллаб-қувватлаш давлат кафолат фондини тузиш мақсадга мувофиқдир

Бу эса мамлакатимизга жалб қилинадиган хорижий инвестициялар миқдорининг ортишига ва уларнинг ўзлаштирилишининг тезлашишига олиб келади. Натижада банкларимиз билан хорижий кредит муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада самарали бўлади ҳамда маҳаллий хом ашёлар негизида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини

босувчи, экспортга йўналтирилган товарлар ҳажми ортади ва кўплаб янги ишчи ўринлари яратилади.

II боб бўйича хулоса

1. Корхоналарда инвестиция фаоллигини оширишда Хитой Халқ Республикасининг (ХХР) амалий тажрибаси, Ўзбекистонда бу жараёни ташкил этиш ва ривожлантиришда ижобий таъсир кўрсатади деб ҳисобланган;
2. Қашқадарё вилояти корхоналарида корхоналарни инвестицион фаоллигини оширишда мавжуд бўлган барча имкониятлардан кенг фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади;
3. Корхоналарда инвестиция фаоллигини оширишнинг имкониятлари тармоқда асосий фаолиятини ривожлантиришга боғлиқ бўлиб, ушбу корхоналарда шаклланган ишлаб чиқариш натижаларига моддий жавобгарлик ва манфаатдорлик учун шарт-шароит яратиш лозим;
4. Вилоят корхоналари иқтисодиётига тарихий инвестицияларни жалб этиш ва инвестиция фаоллигини қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилмоғи лозим.
5. Корхоналар субъектларининг жозибадор ва устувор аҳамиятга эга бўлган лойиҳа ишлаб чиқаришларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш ва уларни тарғибот қилиш тизимини ташкил қилиш.

III.Боб. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасига инвестицияларни жалб этиш ва унинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш

3.1 Корхоналарга инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш бўйича илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш

Бизга маълумки, давлат кафолатисиз хориж сармояларини киритиш катта самара беради. Шунинг учун имкон қадар ҳукумат кафолати билан келадиган чет эл инвестицияларини чегаралаб, уларнинг ўрнига хусусий инвесторлар ёки ташаббускор инвесторларнинг келишини рағбатлантиришни ташкил этиш зарур. Шунингдек, кейинги йилларда саноат корхоналарида хом-ашёларни қайта ишлашни таъминлаш ва республикада тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш учун хорижий сармояларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида хорижий сармоядор фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунчилик ҳам узлуксиз такомиллашиб бормоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) уларни қабул қилаётган мамлакатга ижобий натижалар келтириши борасида жиддий далиллар мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларга таъсири кенг капитал оқими нуқтаи назаридан чуқур ва ҳолис баҳолашни талаб этади. Айтиш жоизки, айрим турдаги иқтисодиётлар учун ТТХИ таъсирининг табиати ва даражаси мамлакат иқтисодий тараққиётининг босқичи, иқтисодий сиёсат ва умумий ишбилармонлик муҳити орқали белгиланади. Ушбу хусусиятлар ўзаро яққол фарқлангани боис, ички иқтисодиёт учун ТТХИнинг таъсири ва улар туфайли олинган фойда ҳар бир алоҳида мамлакатда турлича бўлади.

Иқтисодиётнинг ёпиқ турида ёки капитал оқими чегараланган мамлакатларда ички инвестициялар ҳажми ички жамғармалар билан чекланади. Бундай ҳолатда хорижий капиталнинг кириб келиши мамлакатдаги инвестициялар даражасининг ўсишига олиб келади.

Ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларда ТТХИ оқими муайян меҳнат самарадорлигини оширибгина қолмай, балки ишчи

кучи бандлигини ҳам таъминлайди. Йирик капиталнинг кириб келиши, ўз навбатида, уни қабул қилувчи мамлакат валютаси кадрининг ошишига ҳам олиб келиши мумкин. ТТХИнинг нафақат молия манбаи, балки уларнинг ўзга мамлакат иқтисодиётидан келиб чиққанлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки ТТХИ нафақат капитал ва хорижий валюта олиб келади, балки улар янги технологиялар, бошқарув ноу-хаулари, янги маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш услубларининг ҳам жорий қилинишига олиб келади.

Саноат корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилиш иқтисодий тараққиётни таъминлайди, инсон капиталини шакллантиради, шунингдек, хорижий капитал иштирокида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади ва шу тариқа маҳаллий бозорда фаолият юритаётган корхоналар даромадини кўпайтиради. Демак, хорижий инвестициялар оқими рақобатни оширишда муҳим восита бўлиб, бу ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарадорликни оширишга қаратилган стратегияларни қўллашга рағбатлантиради.

Хорижий инвестицияларни иқтисодий ўсишга кўрсатган таъсирига келсак, хорижий инвесторлар инвестиция киритилаётган мамлакат корхонасида бошқарувни назорат қилиш ҳуқуқи билан бирга, одатда, 25 ёки ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

Хорижий инвестициялар иқтисодиётнинг барча соҳаларида, жумладан, саноат тармоғида ҳам капитал, бошқарув кўникмалари, жаҳон бозоридаги мавжуд сотиш каналлари каби етишмайдиган элементларни таклиф этиш орқали экспортни рағбатлантириши мумкин.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ички бозорда рақобатни рағбатлантирувчи ҳукумат сиёсати чет эл инвестицияларининг иқтисодий тараққиётга таъсирининг муҳим омили бўлиб ҳизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, чет эл инвестицияларининг миллий итисодиётга таъсири ва улар томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг самарадорлиги турлича бўлиши мумкин:

Биринчидан, хорижий инвестициялар миллий иқтисодиёт учун ижобий аҳамият касб этади.

Буни биз саноат тармоғига чет эл инвестицияларининг кириб келиши натижасида маҳаллий жамғармаларга қўшимча равишда инвестицион фаолият кенгайиб, меҳнат ва капитал самарадорлигини оширишга қўмаклашадиган бошқарув, маркетинг ва илғор технологияларни жорий этилишида қўришимиз мумкин. Миллий даромаднинг ўсиши кириб келадиган капитал оқими ҳажми ҳамда капиталга бўлган эҳтиёж ўзгарувчанлигига боғлиқ;

Иккинчидан, саноат тармоғидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар миллий иқтисодиётнинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Бозорга кириб бориш йўлида катта тўсиқлар мавжуд саноат соҳаларида иш юритаётган хорижий компаниялар бундай шароитда ўз манфаатларини кўзлаб, бозорнинг концентрация даражасини янада оширишлари мумкин. Улар маҳаллий капитал бозори ва хорижий валюта захираларидан имтиёзли равишда фойдаланиш имкониятидан фойдаланиб, ички жамғарма ва инвестициялар даражасини пасайтиришлари мумкин.

Учинчидан, хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири - саноат тармоғида ана шундай лойиҳалар амалга оширилаётган маҳаллий бозордаги рақобат даражасидир. Бизнинг фикримизча, рақобат ва антимонополия соҳасида муқобил ҳукумат сиёсатининг амалга оширилиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Мана шундай шароитдагина хорижий инвестициялар уни қабул қилган мамлакат иқтисодий ривожига мақбул таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир сабаблари шуки, хорижий инвестициялар, биринчи навбатда, қўшилган қийматни ошириш ва кўпроқ даромад олиш имкони бўлган соҳаларга кириб келади. Хорижий инвестициялар ишлаб чиқариш ва инвестицияларнинг кўпайиши орқали иқтисодий ўсишга кўрсатадиган бевосита таъсиридан ташқари меҳнат самарадорлигини ошириш, янги технология ва ноу-хауларни жорий этиш, ички жамғарма, инвестициялар ва экспорт имкониятларини

кўпайтириш, инфратузилмани ривожлантириш орқали иқтисодиётга билвосита таъсир ҳам ўтказади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳеч қайси ўзига ишонган хорижий компания ёки хусусий тадбиркор иқтисодиётда чуқур ислохотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур кафолат ва истиқболлари ҳамда ривожлантиришнинг омиллари мавжуд бўлмаган бозорга қадам босмайди.

Саноат корхоналарига, айниқса, хом ашёни мукаммал қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга берилаётган юқорида қайд этилган қатор имтиёз ҳамда енгилликлар саноатнинг имкониятларини амалга ошириш ва келгусида уларнинг ўсишини таъминлашга қаратилган.

Бизнинг фикримизча, саноат тармоғига хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали ушбу тармоқ фаолиятини янада жадаллаштириш масалалари қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

Биринчидан, саноат тармоғида хорижий инвестициялар иштирокидаги хорижий корхоналарни кўпайтириш ҳисобига бир қатор иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий самараларга эришиш мумкин. Бунда мазкур тармоқда замонавий техника ва технологияларнинг кириб келиши ишлаб чиқариш даражасини оширади, меҳнатга лаёқатли аҳоли иш ўринлари билан таъминланади, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифати яхшиланади, бошқарувнинг илғор усуллари ўзлаштирилади, солиқлар, ижара ҳақи ва бошқа тўловлар билан бир қаторда давлат бюджети даромадларининг ҳамда мамлакат экспорт салоҳияти ошиши туфайли валюта тушумининг кескин кўпайишига эришилади.

Иккинчидан, хорижий ва ички инвестицияларни саноат тармоғига жалб этишни кенгайтириш қисқа вақт ичида хусусий мулкчиликнинг турли шакллари ривожланишига кўмаклашади, Ўзбекистоннинг халқаро бозорга юқори сифатли, рақобатбардош саноат корхоналари маҳсулотларини олиб чиқишини ва у ерда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайди. Оқибатда, саноат

тармоғининг республикамиз иқтисодиёти барқарор ўсишига қўшаётган улуши ошиб боради.

Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, инвестициянинг ҳаракатидан келиб чиқиб, замон ва маконининг алмаштирилиши ва ўзга иқтисодиётга кириб бориши намоён бўлади. Республикада саноат тармоғи корхоналари ривожланиши учун катта имкониятлар ва манбалар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийси сифатида хом ашё базасининг мавжудлиги, электр-энергия ва ёқилғи маҳсулотларининг харид нархининг пастлиги, арзон ишчи кучлари, замонавий коммуникация тизими, тўлиқ ўзлаштирилмаган саноатнинг айрим тармоқ маҳсулотлари бозори ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида эса нарх ва сифат орқали рақобат ҳосил қилинади. Саноат маҳсулотлари таннархидаги харажатларнинг асосий қисмини хом-ашё ва ёрдамчи материаллар ташкил этиши инобатга олиниб, масалага ойдинлик киритилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат тармоғи корхоналарининг барқарор ривожланиши ва мазкур соҳада инвестицияларни бошқаришни такомиллаштириш учун тармоқни қайси кўринишдаги маҳаллий маблағлар асосида молиялаштириш мумкинлигини аниқлаштириш талаб этилади. Саноат корхоналари инвестиция фаолиятини олиб боришда инвестиция ресурсларининг таркиби муҳим аҳамият касб этади. Инвесторлар инвестиция ресурсларини ўз иқтисодий ва тадбиркорлик қобиляти ҳамда имкониятидан келиб чиқиб танлайдилар.

Инвестиция ресурслари шартли ҳолатда тўрт гуруҳга бўлинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Қонунининг 5-моддасида инвестиция ресурсларининг қуйидаги гуруҳлари кўрсатиб берилган:

- пул ва бошқа молиявий маблағлар, шу жумладан, кредитлар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;

- кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа моддий бойликлар) ҳамда уларга доир ҳуқуқлар;

- интеллектуал мулк объектлари, шу жумладан, техникавий ҳужжатлар тарзида тузилган техника, технология, тижоратга оид бошқа билимлар мажмуи, у ёки бу турдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган билимлар ва ишлаб чиқариш тажрибаси, “ноу-хау”;

- ерга ва бошқа табиий ресурсларга, бинолар, иншоотлар, ускуналарга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, мулк ҳуқуқидан келиб чиқувчи ашёвий ҳуқуқлар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа бойликлар.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштириш манбалари шартли ҳолда қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- хўжалик субъектларининг шахсий маблағлари;
- давлат бюджет маблағлари;
- тижорат банкларининг кредит ресурслари;
- аҳоли маблағлари;
- чет эл инвестициялари;
- бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш кўлами кенг бўлади, чунки алоҳида инвесторларнинг дастлабки капиталлари капиталга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондира олмайди. Республикамизда ҳам марказлашган маблағлар ёрдамида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш салмоғи дастлабки йилларда катта эди. Бироқ мамлакатимизда олиб борилаётган оқилona иқтисодий сиёсат туфайли инвестиция жараёнларида давлат бюджети маблағлари аста-секинлик билан камайиб, бошқа молиявий манбалар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Бугунги кунда саноат корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштиришда аҳолининг иштироки ҳамон сезиларсиз бўлиб келмоқда.

Бунинг асосий сабаби аҳоли молиявий бозорнинг фаол иштирокчиси бўла олмаяпти.

Бюджет маблағлари асосида инвестицияларнинг камайиши ҳам ижобий кўрсаткич бўлиб, иқтисодиётнинг модернизациялашётганлиги билан бир каторда, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви камайиб бораётганлигидан далолат беради. Хўжалик субъектлари шахсий ресурсларининг инвестиция фаолиятидаги салмоғининг пасайиб кетишига асосий сабаб сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Корхоналар ихтиёрида қолаётган молиявий ресурсларнинг камлиги.

Корхоналарнинг реинвестиция жараёнига эътиборини суғлиги.

Нима бўлганда ҳам инвестиция фаолиятининг шу ҳолатда пасайиб кетишини оқлаб бўлмайди. Чунки, инвестиция фаолиятида корхоналарнинг шахсий маблағлари 50 фоиздан паст бўлиши корхоналарнинг ўзлари учун катта қийинчиликлар туғдиради. Тижорат банкларининг кредит ресурслари инвестицияни молиялаштириш манбаси сифатида пасайиб кетиши банкларнинг инвестицион бозорда мавқеи пасайганидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, корхоналар ва аҳоли ортиқча молиявий маблағларини банк ҳисоб-китоб рақамларида депозитлар сифатида сақлашдан кўра, бошқа инвестиция объектларида инвестиция қилишни лозим кўраётганини билдирмоқда. Инвестиция фаолиятини аҳолининг маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни амалга оширишдаги сусткашликнинг асосий сабабларидан бири, аҳоли ихтиёридаги ортиқча молия ресурсларини инвестиция қилишдан кўра, кундалик исътемолга сарфланаётганлиги ҳисобланади. Бу асосан, кундалик эҳтиёж молларини харид қилиш ва уй-жой қуриш билан боғлиқ бўлган сарф харажатлардир.

Бизнинг фикримизча, молиявий манбалардан фойдаланишда дастлаб устувор манбалардан фойдаланиб, фақатгина зарурат туғилгандагина кейинги қўшимча манбалардан фойдаланишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий инвестициялар ёрдамида саноат тармоғини ривожлантириш йўллари муаммоларини ўрганиш асосида қуйидаги илмий хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

- саноат тармоғидаги хўжалик субъектларини акциялаштириш, яъни акция ва облигацияларни муомалага чиқариш, етарлича молиявий ресурсларни жалб этиш орқали корхоналарни инвестиция фаолиятини молиялаштиришда қўшимча маблағлар таркибини кенгайтириш лозим, яъни портфель инвестициялардан ҳам фойдаланиш зарур;

2018 йилда корхоналарни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки корхоналар янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 76,5 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.

Шу сабабли иқтисодиётни модернизация ва диверсификациялаш шароитида корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, корхоналарни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида корхоналар субъектларига ажратилган кредитлар миқдори йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Корхоналар субъектлари томонидан хомашё ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, биржа савдолари орқали сотиладиган юқори

ликвидли, монопол маҳсулотлар турлари позициялари 136 тадан 195 тагача кўпайди.

Корхоналар субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида биржа хизматининг комиссиян харажатлари ўртача 25% гача пасайтирилди ва биржа савдоларида қатнашиш учун тўланадиган гаров пули 10% гача оширилди.

Тадбиркорлар учун енгиллик яратиш мақсадида қуйидаги тўловлар миқдорини камайтириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди:

- архитектура-режалаштириш топшириғини (АРТ) ишлаб чиқишга кетадиган тўловлар – 2 мартагача;
- экологик экспертизадан ўтказиш тўловлари – 20 фоиздан 90 фоизгача;
- турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш харажатлари – 9 мартагача;
- лойиҳалаш ҳужжатларини экспертиза қилиш харажатлари – 2 мартагача.

Шунингдек, банкда ҳисоб рақами очиш ва ёпиш учун олинадиган тўловлар умуман бекор қилинди.

3.2. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасига инвестицияларни жалб этиш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш

Бозор иқтисодиётига ўтиш хўжалик юритишнинг оқилона йўллари кидириб топишни талаб қилади. Бу эса материаллар ва ҳом ашёни тежаб-тергаб сарфлашни, дастгоҳлар ва ускуналардан яхшироқ фойдаланишни, ходимлар иш унумдорлигини оширишни, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни пасайтиришни, пировардида, корхона рентабеллигини ва фойдалилигини оширишни кўзда тутди.

Кўрсатиб ўтилган омилларнинг барчаси ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига эришиш тушунчасига бирлашади. Корхона хўжалик фаолиятининг якуний натижаси (фойда) ни унга эришишга сарфланган ресурслар билан таққослаш ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини акс эттиради. Самарадорликнинг ошиши харажатлар бирлигига тўғри келадиган

иқтисодий натижаларнинг кўпайиши билан ифодаланади. Самарадорлик хўжалик юритиш механизмининг такомиллашганлик даражасидан, бизнесни тўғри йўналишда олиб борилаётганлигидан дарак беради.

Самарадорликнинг таърифи асосида ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва ҳажми ётади. Харажатлар – бу корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган омиллар (сармоялар, меҳнат ресурслари, табиий ресурслар, тадбиркорлик фаолияти) учун сарфланган маблағларнинг пулда акс эттирилишидир. Улар маҳсулот таннархи кўрсаткичида намоён бўлиб, барча моддий харажатлар, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг пулдаги ифодасидир.

Ишлаб чиқаришнинг барча харажатларини икки гуруҳга: доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиш мумкин. Доимий харажатларга микдори ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан ҳам ўзгармайдиган харажатлар киради. Улар корхона маҳсулот ишлаб чиқармаган ҳолда ҳам тўланиши керак. Уларга амортизация чегирмалари, бинолар ва ускуналарнинг ижараси, суғурта бадаллари, бошқарув ходимларининг иш ҳақлари ва бошқалар киради.

Ўзгарувчан харажатлар деб, умумий микдори бевосита ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларига киритилган, шунингдек, маҳсулотларнинг бир неча турларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар тушунилади. Буларга хом ашё, материаллар, ёқилғи ва электр энергияси, ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқа харажатлар киради.

Ишлаб чиқариш харажатларининг бундай бўлиниши корхоналар фаолияти самарадорлигининг ҳар хил кўрсаткичларини аниқлаш учун зарурдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш услуби умумий харажатлар ва уларнинг айрим турларини хўжалик фаолиятининг натижалари билан таққослашдан иборатдир. Бунинг учун турли хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичларнинг белгиланган таснифи мавжуд эмас.

Ҳар бир корхона иқтисодиётини ўрганувчи уларни ўзича, у ёки бу кўрсаткичларнинг аҳамиятини таъкидлаш заруриятдан келиб чиққан ҳолда ёки корхона иши натижаларини ҳар томонлама баҳолаган ҳолда гуруҳларга ажратади.

Барча кўрсаткичларни қуйидаги учта гуруҳга бирлаштириш мақсадга мувофиқдир: хўжалик фаолиятини умумлаштирувчи кўрсаткичлар; ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари; молиявий фаолиятни баҳоловчи кўрсаткичлар.

Кичик корхоналарнинг хўжалик фаолиятини умумлаштирувчи кўрсаткичлар. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш корхона фаолиятининг охириги натижаси ҳисобланади. Кичик корхоналар учун сотилган (харидорларга ортиб жўнатилган ва улар томонидан ҳақ тўланган) маҳсулот ҳажми пул тушумини таъминлашга, ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа зарурий сарфларнинг ўрнини қоплашга имкон беради. Бундан ташқари, пул тушумининг таркибида фойда ҳам мавжуд бўлади. Ундан корхона томонидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, моддий рағбатлантириш фондларини яратиш, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларни бажариш учун фойдаланилади. Истеъмолчи маҳсулот сотилиши натижасида ишлаб чиқариш воситалари ёки истеъмол моллари кўринишидаги зарурий маҳсулотни олади (3.2.1-жадвал).

3.2.1- жадвал

**Қашқадарё вилояти « Косон ёғ-экстракция » АЖ нинг
2017 – 2018 йиллар бўйича бухгалтерия баланси актив
моддаларининг таҳлили**

Мол-	Йил бошига	Йил охирига	Ўзгариши (+,-)
------	------------	-------------	----------------

мулкнинг таркиби	Сумма , минг сўм	Салмоги, %	Сумма , минг сўм	Салмоги, %	Суммадаги , минг сўм	Салмогидаги , %	Йил бошига нисбатан ўсиши, %
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=6\2*100
1.Узоқ муддатли активлар	5167911	34,3	9398226	39,7	4230315	5,3	81,9
2.Жорий активлар	9878688	65,7	14284331	60,3	4405643	-5,3	44,6
Шу жумладан :							
А) Товар моддий захиралари	5190880	34,5	6661637	28,1	1470757	-6,4	28,3
В) Пул маблаглари ва қисқа муддатли қуйилмалар	2343598	15,6	896508	3,8	-1447090	-11,8	-61,7
V) Дебиторлар	2326486	15,5	6697537	28,3	4371051	12,8	187,9
Баланс активининг жами	15046599	100	23682557	100	8635958	0	57,4

Манба : “ Косон ёғ-экстракция ” АЖ нинг маълумотлари асосида ҳисобланган.

Корхоналар маҳсулотларини сотишда айрим камчиликларга ҳам йўл қўяди. Хусусан, айрим ҳолларда сотиш режасини ошириб бажариш билан бирга маҳсулотларнинг айрим турларини харидорларга белгиланган муддатларда етказиб бериш режаси бажарилмаганлик ҳоллари учрайди. Бу корхонанинг ўзига (у пенялар ва жарималар тўлайди) ва харидорга зарар келтиради. Шунинг учун сотиш режасининг бажарилиши маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ҳисобга олиш билан таҳлил қилинади. Бунда битта харидорга етказиб бериш режасининг ошириб бажарилиши бошқа харидорларга етказиб бериш режасининг бажарилмаганлигига сабаб бўлганлиги ҳисобга олинади. Шунинг учун

шартнома мажбуриятлари режасини бажарилиши 100% дан ошиб кетмаслиги керак.

Сотиш ҳажми тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни ўз вақтида сотишга тўғридан-тўғри боғлиқдир. Товар маҳсулоти маҳсулотни сотиш кўрсаткичларида сотилмаган маҳсулотларнинг ўзгарувчан қолдиқларининг ўзгариши билан акс эттирилади. Маҳсулотлар сотилишининг бир маромдалигини таъминлаш учун корхоналар тайёр маҳсулотларнинг зарур ҳажмига эга бўлишлари керак. Аммо амалиётда сотилмаган маҳсулотларнинг ҳақиқий қолдиқлари меъёрий қолдиқлардан анча ошиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу ҳисобот даврида маҳсулотнинг сотилиш ҳажмини анча камайишига олиб келади. Маҳсулот сифатининг етарлича юқори бўлмаслиги, маҳсулотларни бир маромда ишлаб чиқарилмаслиги, корхона маҳсулотларни ортиб жўнатиш учун транспорт билан етарлича таъминланмаганлиги ва бошқалар бундай вазиятнинг сабаблари бўлиб ҳисобланади.

Маҳсулотнинг сифатига уни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган хом ашё ва материалларнинг сифати, белгиланган технологик жараёнга аниқ риоя қилиниши, ишчиларнинг малакаси, маҳсулот сифатини яхшилаганлик учун моддий рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни сақлаш, ташиш ва бошқалар таъсир қилади.

Маҳсулотнинг таннархи кичик корхоналар ишининг тежамлилигини таърифловчи энг муҳим кўрсаткичлардан биридир. Маҳсулот таннархининг пасайиши корхона ривожланишининг энг муҳим омили ҳисобланади. Маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг таннархи деганда бевосита маҳсулотларни тайёрлаш ва ишларни бажариш, ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш ва уни такомиллаштириш жараёнида фойдаланиладиган ресурсларнинг барча турлари: асосий фондлар, табиий хом ашё ва саноат хом ашёси, материаллар, ёнилғи ва энергия, меҳнатнинг пул шаклида акс эттирилган харажатлари тушунилади. Маҳсулот таннархига киритилган харажатларнинг таркиби, уларни

моддалар бўйича таснифлаш давлат стандарти томонидан, калкуляциялаш усуллари эса корхонанинг ўзи томонидан белгиланади.

Маҳсулотнинг таннархи корхонанинг ишлаб чиқариш ва муомала харажатларидан иборат бўлади, харажатлар ва даромадларни тенглаштириш, яъни ўз харажатларини ўзи қоплаши бозор механизмининг асосий хусусиятларидан биридир.

Тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилиши корхона фаолияти молиявий натижаларини аниқлашга имкон беради.

Ҳисобот даврида харидорларга ортиб жўнатилмаган маҳсулотнинг қиймати ва фирма ичидаги оборот сотиш ҳажмига киритилмайди (3.2.2-жадвал).

Маҳсулотнинг сотилишидан тушган тушум – корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун олинадиган пул маблағларининг ҳажмидир. Бу корхона харажатларини қоплаш ва даромадларни шакллантириш маблағларининг асосий манбаидир.

Асосий маҳсулотни сотишдан тушган тушумдан ташқари, корхона бошқа сотишлардан ҳамда сотишдан ташқари операциялардан тушумлар олиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти жараёнида моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф даромадни акс эттирувчи фойда корхона фаолиятининг энг муҳим умумлаштирилган кўрсаткичи ҳисобланади.

Тадбиркор ҳамма вақт фойда олишни мақсад қилиб қўяди, аммо ҳамма вақт ҳам фойда ололмайди. Агар тушум таннархга тенг бўлса, унда фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг ўрнини қоплашга эришилади. Тушумдан ошиб кетувчи харажатларда корхона салбий молиявий натижа кўради, бу уни мураккаб молиявий аҳволга солиб қўяди, банкротлик ҳам истисно эмас.

**Қашқадарё вилояти « Косон ёғ-экстракция » АЖ нинг
2016 – 2018 йилларда товар моддий захираларини қоплашга
тегишли манбалар билан тaминланганлиги тўғрисида таҳлили**

№	Кўрсаткичлар номи	Йиллар			2018 йил 2016 йилга нисбатан, %да	
		2016	2017	2018	+ ; - ;	%
1.	Ўз маблағларининг манбалари	12812213	15331930	34590738	21778525	269,9825
2.	Узоқ муддатли активлар	5167911	9398226	10358387	5190476	200,4366
3.	Товар моддий захираларини қоплашга тегишли уз манбалари (1-2)	7644302	5933704	5984010	-1660292	78,28066
4.	Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	0	0	0	0	0
5.	Товар моддий захираларни қоплашга тегишли узлик ва узоқ муддатли қарз манбалари (3+4)	7644302	5933704	5984010	-1660292	78,28066
6.	Қиска муддатли кредит ва қарзлар	2234386	8350627	28331000	26096614	1267,955
7.	Товар моддий захираларни қоплашга тегишли жами манбалар (5+6)	9878688	14284331	18977140	9098452	192,1018

8.	Товар моддий захираларининг жами	5190880	6661637	44535005	39344125	857,9471
9.	Товар моддий захираларни қоплашга ўз манбаларининг йетарлилиги (+) ёки йетишмаслиги (-), (3-8)	2453422	-727933	-730000	-3183422	-29,7544
10.	Товар моддий захираларини қоплашга ўз ва узоқ муддатли қарз манбаларининг йетарлилиги (+) ёки йетишмаслиги (-), (5-8)	2453422	-727933	-728933	-3182355	-29,7109
11.	Товар моддий захираларни қоплашга тегишли жами манбаларининг йетарлилиги (+) ёки йетишмаслиги (-), (7-8)	4687808	7622694	7632694	2944886	162,8201

Манба : “ Косон ёғ-экстракция ” АЖ нинг маълумотлари асосида ҳисобланган.

Маҳсулотларни сотишдан олинган фойда (зарар) қўшимча қиймат солиғи ва акцизсиз маҳсулот сотишдан тушган тушум ва маҳсулотларнинг таннархига киритилган ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Келтирилган таърифдан фойда корхонанинг ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари)ни талаб ва таклиф асосида вужудга келган нархлар бўйича сотишдан ҳосил бўлган ялпи даромад ҳажмига боғлиқлиги маълум бўлади.

Корхонанинг ялпи даромади – маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушган тушумдан моддий харажатларни чиқариб ташлагандан кейин иш ҳақи ва фойдани ўз ичига олувчи корхона соф маҳсулотларидан иборатдир.

Бозор муносабатлари шароитида корхона энг катта фойда олишга эриша олмаса, товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш бозорида ўз мавқеини мустаҳкам ушлаб туриш, рақобат шароитида ўзининг ишлаб чиқаришини динамик ривожланишини таъминлашга имкон берувчи фойда ҳажмини олишга ҳаракат қилиши керак.

Умумхўжалик фаолиятдан олинadиган фойда (зарар) қуйидаги алгебраик сумма тарзида ҳисобланади: асосий фаолиятдан фойда плус дивидендлар ва фоизлар бўйича даромадлар плус ёки минус инвестициялар ва қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан келадиган даромадлар (зарарлар) ва минус фоизлар бўйича харажатлар плус ёки минус бошқа молиявий фаолиятдан даромадлар (зарарлар).

Корхона иш фаолиятининг самарадорлик даражасини баҳолаш учун олинган натижа (яъни даромад, фойда) харажатлар ёки фойдаланилган ресурслар билан таққосланилади. Фойда ва харажатларни тенглаштириш рентабелликни ёки аниқроғи рентабеллик меъёрини билдиради.

Амалиётда рентабеллик меъёрини ўлчашнинг икки вариантыдан фойдаланилади. Бу фойда корхонанинг жорий сарф-харажатлари (таннарх)га ёки аванслашган қўйилмалар (асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланма маблағлар)га нисбатидир. Иккала ўлчов варианты ҳам бир-бири билан аванслашган қўйилмалар обороти тезлиги кўрсаткичи билан боғланган:

$$P_1 = P / \Phi_a, \quad P_2 = P / \Phi_z ;$$

бу ерда, P – фойда;

P_1 , P_2 – фойда меъёри (1- ва 2-вариантлар);

Φ_a , Φ_z – аванслашган фондлар ва таннарх фондлари.

Айланишлар сони $n = \Phi_z / \Phi_a$ бўлганлиги учун $P_2 = P_1 \times n$.

Корхона рентабеллиги меъёрини қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$P = \Pi (Y - C) * 100 / (\Phi_o + \Phi_{об});$$

бу ерда, P – фойда;

Π – маҳсулот ҳажми;

Y – маҳсулот бирлигининг нархи;

C – маҳсулотнинг таннарихи;

Φ_0 – асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати;

$\Phi_{об}$ – айланма маблағларнинг ҳажми.

Корхоналар иш амалиётида рентабелликнинг бир катор кўрсаткичлари қўлланилади.

Маҳсулотнинг рентабеллигини сотилган барча маҳсулотлар бўйича ва унинг алоҳида турлари бўйича аниқлаш мумкин. Биринчи ҳолда у маҳсулотни сотишдан олинган фойданинг уни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларига нисбати сифатида аниқланади. Сотилган маҳсулотларнинг рентабеллиги товар маҳсулотини сотишдан олинган фойданинг маҳсулотни сотишдан тушган тушумга нисбати сифатида; баланс фойдасининг маҳсулотни сотишдан олинган фойдага нисбати бўйича; соф фойданинг сотилган маҳсулотдан тушган тушумга нисбати бўйича ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллиги баланс фойдасининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва моддий айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида ҳисобланади. Бу кўрсаткични соф фойда бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин.

Корхона қўйилмаларининг рентабеллиги унинг ихтиёрида бўлган мулкнинг қиймати бўйича аниқланади. Ҳисоблашда баланс ва соф фойда кўрсаткичларидан фойдаланилади. Мулкнинг қиймати бухгалтерия баланси бўйича аниқланади. Бу кўрсаткич корхона мулкнинг бир сўм қўйилмаларига сотиш даражасини ифодалайди.

Корхона шахсий маблағларининг рентабеллиги соф фойданинг баланс бўйича белгиланган, унинг шахсий маблағларига нисбати билан аниқланади.

Ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари. Меҳнат унумдорлиги – бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг энг муҳим ўлчовларидан биридир. Меҳнат унумдорлиги билан ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги аниқланади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши жонли ва буюмлашган меҳнатнинг тежалишини билдиради.

Меҳнат унумдорлиги – бу бир ходим томонидан иш вақти бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга иш вақтининг миқдори билан ўлчанган жонли меҳнат сарфининг самарадорлигидир.

Биринчи кўрсаткич бир ходимнинг вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарган маҳсулотини аниқлайди:

$$\text{Ишлаб чиқариш} = \frac{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори (Қ)}}{\text{Ишланган вақт (Т)}}$$

Иккинчи кўрсаткич меҳнат сарфини, яъни маҳсулот бирлигига сарфланган вақтни аниқлайди:

$$\text{Меҳнат сарфи} = \frac{\text{Ишланган вақт (Т)}}{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори (Қ)}}$$

Меҳнат унумдорлигининг ошиши маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, маҳсулот таннарахини пасайтиришга, иш кучига эҳтиёжни нисбатан қисқартиришга, ходимлар иш ҳақининг ўсишини таъминлашга имкон беради. Буларнинг барчаси кичик корхонанинг муваффақиятли ишлаши учун зарурдир.

Меҳнат унумдорлигининг қуйидаги кўрсаткичлари мавжуд: бир ишчининг ўртача йиллик ишлаб чиқариши (маҳсулот ҳажмини ишловчиларнинг ўртача рўйхат сонига бўлиш йўли билан аниқланади); битта ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик ишлаб чиқариш (маҳсулот ҳажмини ишчиларнинг ўртача рўйхат сонига бўлиш йўли билан аниқланади); битта ишчига тўғри келадиган ўртача кунлик ишлаб чиқариш (бир кунлик маҳсулот ҳажмини барча ишчилар сонига бўлиш йўли билан аниқланади); битта ишчига бир соатга тўғри келадиган ўртача ишлаб чиқариш (бир соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини барча ишчилар сонига бўлиш йўли билан аниқланади).

Фонднинг қайтарилиши ва фонднинг сарфланиши. Бу кўрсаткичлар билан корхона асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги аниқланади. Фонднинг қайтарилиши асосий фондларнинг бир

сўмига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (суммаси)ни кўрсатади.

$$\text{Фонднинг қайтарилиши} = \frac{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (К)}}{\text{Асосий фондларнинг қиймати (Ф)}}$$

Фонднинг сарфланиши – бу фонд қайтарилишининг тескари миқдори бўлиб, маҳсулот бирлигига асосий фондларнинг қандай суммаси тўғри келишини кўрсатади:

$$\text{Фонднинг сарфланиши} = \frac{\text{Асосий фондларнинг қиймати (Ф)}}{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (К)}}$$

Фонднинг қайтарилишининг ошиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини пасайтиришга ва асосий фондларга эҳтиёжни нисбатан қисқартиришга имкон беради.

Маҳсулотга материал сарфланиши. Бу айланма фондлар (маблағлар)дан фойдаланишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, у корхонанинг истеъмол қилинган айланма фондлари қийматининг ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига нисбати билан аниқланади.

Маҳсулот бирлигига сарфланган хом ашё ва материалларнинг миқдори ҳақида дарак берувчи табиий ўлчовдаги аниқ кўрсаткичларни ҳам худди шу кўрсаткичга ўхшаб ҳисоблаш мумкин. Бу кўрсаткичлар хўжаликни исрофгарчилик ёки тежамкорлик билан олиб борилганлигини кўрсатади. Бу пировардида таннархнинг пасайиши ва фойданинг кўпайишига таъсир қилади.

Кўриб ўтилган кўрсаткичлар корхона фаолиятини баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлсада, бироқ чекланган характерга эгадир. Улар ишлаб чиқариш ва харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди, балки фақат ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланишни ифодалайди. Харажатларнинг умумий самарадорлиги ҳақидаги яхлит таърифни умумий ва солиштирма иқтисодий самарадорлик беради. Умумий иқтисодий самарадорлик қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$E = \text{Фойданинг ўсиши (П)} / \text{Капитал қўйилмалар (К)}$$

Ҳар бир алоҳида ҳолда харажатларнинг умумий иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари бошқа даврлар ёки бошқа корхоналар учун меъёрий ёки ҳудди шундай кўрсаткичлар билан солиштирилади.

Ечимлар вариантларини солиштиришда харажатларнинг солиштирма иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади. Энг кам қилинган харажатлар энг мувофиқ вариантнинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади:

$$Z_n = C + E_n K \rightarrow \text{минимум} ,$$

бу ерда, Z_n – ушбу вариант бўйича берилган харажатлар;

C – жорий харажатлар (таннаrx);

K – капитал қўйилмалар;

E_n – капитал қўйилмалар солиштирма иқтисодий самарадорлигининг меъёрий коэффиценти. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича у 0,16 деб белгиланган.

Ушбу коэффицентдан келиб чиққан ҳолда харажатларнинг ўрнини қоплаш муддатини аниқлаш мумкин:

$$T_{ок} = 1 : 0.16 = 6,25 \text{ йил}$$

Корхонанинг фаолиятини ёки унинг молиявий ҳолатини баҳолаш – корхонанинг хўжалик ва тижорат фаолияти жараёнида вужудга келувчи молиявий ва кредит муносабатлари натижасини акс эттирувчи тушунчадир.

Тўлов қобилияти коэффиценти корхонанинг тўлов имкониятларини кўрсатади ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{пл} = A_2 / (П_2 - (Д_{жк} + K_{зк} + A_n)) ,$$

бу ерда, $K_{пл}$ – корхонанинг тўлов қобилияти коэффиценти;

A_2 – айланма активлар (ишлаб чиқариш захиралари, пул маблағлари ва бошқалар);

$П_2$ – мажбуриятлар;

$Д_{жк}$ – узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар;

$K_{зк}$ – қисқа муддатли қарзлар ва кредитлар;

A_n – харидорлар ва буюртмачилардан олинган бадаллар.

Бу кўрсаткич бирдан катта бўлиши керак.

Шахсий ва қарз маблағлар нисбатларининг коэффициенти қисқа муддатли қарз маблағларининг шахсий манбалар билан таъминланиш даражасини белгилайди ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{ec} = \Pi_1 / (\Pi_2 - (Дзк + Кзк + Ап)),$$

бу ерда Π_1 – шахсий маблағларнинг манбалари (устав сармоялари, қўшимча сармоялар, тақсимланган фойда).

Бу кўрсаткич бирдан кичик бўлмаслиги керак.

Молиявий боғлиқлик коэффициенти корхонанинг молиявий боғлиқлигининг камайиши (кўпайиши), келгуси даврларда молиявий кийинчиликлар хавфининг кўпайиши (пасайиши) ҳақида дарак беради ва корхона томонидан кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини тўлаш кафолатини аниқлайди. Молиявий боғлиқлик коэффициенти қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$K_{фш} = \Pi_1 / Иб$$

бу ерда, $Иб$ — актив ёки пасивнинг натижалари.

Бу кўрсаткич 0,5 дан катта ёки унга тенг бўлиши керак.

Шахсий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти корхонада унинг молиявий барқарорлиги учун зарур маблағларнинг мавжудлигини ифодалайди ва қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$K_{oc} = (\Pi_1 + Дзк - A_1) / A_2 ,$$

бу ерда A_1 – узоқ муддатли активлар.

Бу кўрсаткич 0,1 дан катта ёки унга тенг бўлиши керак.

Активлар рентабеллиги коэффициенти молиявий-хўжалик фаолиятида фойдаланилаётган активларнинг фойдалилиги (зарарлилиги) даражасини кўрсатади ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{pa} = \Pi_p * Дп / Иб ,$$

бу ерда, $\Pi_p Дп$ – солиқлар тўлангунга қадар фойда.

Бу кўрсаткич нолдан катта бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти корхонанинг иш билан таъминланганлик даражасини ифодалайди ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{им} = K_{факт} / (K_{лойиха} - K_{ижара} + K_{консер}),$$

бу ерда $K_{лойиха}$ – маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажми;

$K_{факт}$ – чиқ арилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми;

$K_{ижара}$ – ижарага берилган қувватлардаги маҳсулотларнинг ҳажми;

$K_{консер}$ – консервация қилинган қувватлардаги маҳсулотларнинг ҳажми.

Бу кўрсаткич 0,6 дан катта ёки унга тенг бўлиши керак.

Ускуналар (асосий фондлар)ни ишдан чиқиши коэффициенти. Бу кўрсаткич қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{изп} = И / О ,$$

бу ерда, $K_{изп}$ – ускуналарнинг ишдан чиқиш коэффициенти;

И – асосий фондларнинг ишдан чиқиши;

О – асосий фондларнинг дастлабки қиймати.

Агар юқоридаги барча коэффициентларнинг тармоқ миқдори тенг ёки катта бўлса, бундай корхона иқтисодий қудратли ва тўлов қобилиятига эга ҳисобланади.

3.3. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг асоси йўналишлари ҳамда истиқболларини башоратлаш

Келажакда корхоналарнинг моддий-техника базасини талаб даражасида барпо этиш, меҳнат ресурсларининг билимларини, малакаларини, тажрибаларини ошириш учун инвестициялар сарфлашни давом эттириш керак. Корхоналарни ривожлантириш учун, аввало, давлат ҳамда маҳаллий бюджетлардан ажратилаётган инвестицион маблағларни ўз вақтида олишга эришиш керак. Шу билан бирга тармоқ, корхоналар иқтисодиётини юксалтириш натижасида уларнинг фаолиятини келажакда инвестицияларлаш учун кўпроқ маблағ ажратилишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш

мақсадга мувофиқдир. Бунда корхоналар ихтиёридаги фондларнинг маблағларини ҳам оқилона сарфлашга ҳаракат қилиш керак. Чунки улар инвестициялар кўламини кенгайтиришнинг реал манбалари ҳисобланади.

Корхоналарга талабни қондирадиган даражада инвестициялар сарфланишини келажакда ишончли таъминлаш учун инвестицияларни амалга оширувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар кўламини кенгайтириш талаб этилади. Бундай шахслар республика ёки чет давлатлардан бўлиши мумкин. Бунда, ҳозирги даврда корхоналардаги инвестицион жараёни шакллантиришда суғ қатнашаётган инвесторларни интенсивроқ жалб этишга алоҳида эътибор бериш лозим (3.3.1 –жадвал).

Ҳозирги даврдаги чекланган миқдордаги банкларнинг кўламини кенгайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун уларга ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароитлар яратиб бериш зарур. Шу билан бирга корхоналарга кўмаклашаётган молия-кредит институтларини, жумладан, қишлоқ кредит уюшмалари ёки кооперативларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш керак. Бундай кредит институтларининг ҳуқуқий асоси яратилган: Республика Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX сессиясида (2002 йил, август) «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Шунга асосланган ҳолда, Қишлоқ кредит уюшмалари ёки кооперативларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш орқали корхоналарга инвестициялар оқимини кўпайтиришга эришиш мумкин. Улар нодавлат, нотижорат кредит институти бўлгани маъқул. Шунинг учун уларга давлатнинг имтиёзли иқтисодий ёрдами зарур.

Бу ёрдамни давлатнинг корхоналарни ривожлантиришга қаратилган қуйидаги дастурлари асосида амалга ошириш мумкин:

- «Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш»;
- «Ирригация ва мелиорация ишларини ривожлантириш»;
- «Қишлоқ фаунасини, флорасини ҳамда экологиясини яхшилаш»;

**Қашқадарё вилояти « Косон ёғ-экстракция » АЖ да
2016 – 2018 йилларда жалб этилган инвестицияларнинг иктисодий
самарадорлик тахлили**

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2018 йил 2016 йилга нисбатан, %да	
			2016	2017	2018	+ ; - ;	%
1.	Жами киритилган инвестициялар	млн. сўм	2234,8	4050,0	2807,1	572,3	125,6
2.	Инвестиция натижасида олинган маҳсулотлар :						
А.	Ялпи маҳсулот	млн. сўм	89901	88984	116789	26888	129,9
Б.	Сотилган маҳсулот таннарихи	млн. сўм	69629,97 2	84420,266	86737,76 7	17107,795	124,6
3.	Олинган даромад	млн. сўм	20271,45 8	4563,312	30051,22 3	9779,765	148,3
4.	Маҳсулотга кетган харажат	млн. сўм	12896,55 8	3082,002	15825,08	2928,522	122,7
5.	Фойда	млн. сўм	7374,9	1481,31	14226,15 3	6851,253	192,9
6.	Рентабеллик даражаси	%	57,2	4,8	89,9	32,7	157,2
7.	1 сум инвестициядан олинган даромад	млн. сўм	9,07	1,12	10,7	1,63	118,03
8.	Инвестицияни коплаш муддати	йил	3,3	0,3	5,06	х	х

- «Янги иш жойларини ташкил этишни ривожлантириш, ишсизликни юмшатиш»;
- «Қишлоқда малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида «Билими-малака» дастурини тузиш»;
- «Қишлоқда ижтимоий соҳани ривожлантириш» ва бошқалар.

Бундан ташқари янги ташкил этилган қишлоқ кредит кооперативларида айрим фондлар бўйича давлат субсидиялари ва кафолатлари тизimini жорий этиш лозим. Ташкил этилаётган қишлоқ кредит кооперативлари бошланғич капиталининг 35-45 фоизи давлатнинг имтиёзли ҳамда фоизсиз кредитлари ҳисобидан шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ кредит кооперативларини ташкил этиш жараёнида давлатнинг роли қуйидагилар билан чегараланиши мақсадга мувофиқдир:

- республикадаги қонун яратувчи идоралар бу кооперативлар учун мамлакат миқёсида ҳамда хорижий давлатларда тўлиқ фаолият юритишнинг ҳуқуқий асосларини яратиб бериши;
- ушбу кооперативларнинг илмий, услубий муаммолари бўйича тадқиқот ишларини ривожлантириш учун ҳукумат томонидан қулай муҳит яратилиши;
- уларни ташкил этиш бўйича чет эл экспертларини жалб этиш ва маҳаллий мутахассислар томонидан хорижнинг илғор тажрибаларини ўрганишга изчиллик билан ёрдам бериш;
- давлат идораларининг раҳбар ва мутахассислари янгидан ташкил этилаётган Қишлоқ кредит кооперативларининг афзалликларини барча ахборот воситалари ёрдамида тарғиб этишга, тушунтиришга қаратилган фаол сиёсат олиб боришлари, уларни амалда ташкил этишга кўмаклашишлари зарур.

Кредит кооперативларини қишлоқ ҳудудларида ташкил этиш учун қуйидаги шартлар бажарилиб, ижобий муҳит шакллантирилган бўлиши зарур:

- қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбар, мутахассислари, шунингдек, меҳнатга қобилиятли аҳолининг ушбу молия-кредит институтига ишониши ва уни ҳурмат қилиш ҳолатининг мавжудлиги;
- шу молия-кредит институти фаолиятида фаол иштирок этиш учун аҳоли молиявий фаровонлик даражасининг юқорилиги бу аҳолининг бўш маблағлари мавжудлигидан далолат беради;

- барча бўғиндаги давлат ҳокимияти идоралари ва бошқа ташкилотларда корхоналарга корхоналарини, айниқса, фермер ва деҳқон хўжаликларини, кичик корхоналарни кредитлаштириш ривожлантирилишини таъминлайдиган ушбу ғояни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, унга ҳайрихоҳлик муносабатлари мавжудлиги. Чунки қишлоқ кредит кооперативларининг ташкил этилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кредитлаштириш билан шуғулланадиган молиявий бозорда эркин рақобатчилик ривожланишини таъминлайди;
- қишлоқ жойларида ходимлар, мутахассислар кредит кооперативларининг малакали ходимларга бўлган талабини қондира оладиган даражада мавжудлиги;
- қишлоқ ҳудудларида янги кредит кооперативларини ташкил этиш бўйича ижтимоий, иқтисодий муҳитнинг талаб даражасида шаклланганлиги ва бошқалар.

Корхоналарни инвестициялар жараёнига турли хилдаги банкларнинг, инвестициялар, лизинг ва суғурта компанияларининг, ишлаб чиқариш концернларининг, савдо ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларнинг маблағларини жалб этиш лозим. Бунинг учун уларга давлат ҳамда корхоналар томонидан маълум даражада иқтисодий имтиёзлар яратилиши зарур. Барча манбалардан шаклланаётган инвестициялар маблағларини корхоналарда қуйидагиларга сарфлаш мақсадга мувофиқдир:

- фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлиги юксалишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасини бажаришга;
- янги ерларни комплекс ўзлаштиришга;
- тармоқда фан ва самарали технологияларни ривожлантиришга;
- ирригация, мелиорация шахобчаларини қуришга, мавжудларининг ишга яроқлилигини таъминлаш мақсадида таъмирлашга;
- янги, самарали тракторларни, машиналарни, комбайнларни сотиб олиш ва мавжудларини таъмирлашга;

- ишлаб чиқариш бино-иншоотларини қуришга, мавжудларини таъмирлашга;
- кўп йиллик дарахтзорлар, боғзор, токзорлар яратишга;
- сермахсул чорва ҳайвонларини талаб даражасида кўпайтиришга;
- тармоқни барча ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашга;
- меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, интеллектуал мулкни ривожлантиришга;
- ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ва бошқаларга.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигига иккита гуруҳга бўлиш мумкин бўлган кўплаб омиллар таъсир қилади: биринчи гуруҳ корхона билан боғлиқ ички омиллар; иккинчи гуруҳ корхонага боғлиқ бўлмаган ташқи омиллардир. Корхоналардаги инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигининг пастлиги сезиларли даражада иккинчи гуруҳ омиллари билан белгиланади. Булар: инқирозлари нарх диспаратетлари, кредит фоиз ставкаларининг юқорилиги, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан ўйланмаган фоиз ставкалари кабилардир.

Давлат ишлаб чиқаришда инвестициялар ҳажмини ошириш бўйича чоралар кўрмоқда. Масалан даромадга солиқ ҳисобланганда ҳамма корхоналар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларнинг солиққа тортиладиган даромадларининг сўммаси (миқдори) ни камайтириш ҳуқуқини оладилар. Бу муаммоларни давлат даражасида ҳал этмай туриб инвестициялар самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Имтиёз корхона томонидан амортизация ажратмалари сўммасидан тўлиқ фойдаланилгандагина берилади, лекин имтиёз солиқнинг ҳақиқий уни ҳисобга олинмай уни ҳисобга олинган миқдоридан 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак. Бундан ташқари айрим объектлар бўйича (кўп йиллик дарахтлар ўтқозиш, ёш кўчатларни парваришlash, тупроқ унумдорлигини ошириш ва бошқа) инвестицияларни молиялаштириш бюджетдан ажратилган маблағлар (РФ субъектлари ёки федерал) ҳисобидан амалга оширилади.


Инвестициялар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар:

1. Ички омиллар

- а. Инвестицияларлаш объекти тўғри танлангани
- б. Қурилиш ва объекти ўзлаштириш муддатлари
- в. Қўйилмаларнинг комплекслиги
- г. Қўйилмаларни объектлар бўйича жамлаш
- д. Иқтисод қилиш тартибига амал қилиш
- е. Корхонанинг ихтисослашганлиги ишлаб чиқариш фаолияти тури.
- ё. Ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил қилиш
- ж. Маҳсулотлар маркетинги
- з. Маҳсулотлар таннарни
- и. Меҳнат унумдорлиги

2. Ташқи омиллар

- а) кредитга фоиз ставкалари;
- б) инқироз жараёнлари;
- в) нархларнинг қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларига нисбати;
- г) даромадга солиқ;
- д) маҳсулотга талаб;
- е) илаб чиқаришнинг мавсумийлиги;
- ё) табиий иқлим шароити.



3.2.1 – расм. Инвестициялар муҳитига ижобий таъсир этувчи омиллар

III боб бўйича хулоса

1. Инвестицияларнинг инвестицион фаолиятларининг фаоллашуви ва иқтисодий самарадорлиги ортиши АСМ га имтиёзли инвестицияларнинг қўллаш имконини беради.

2. Корхоналарда инвестицияларининг самарадорлиги ортишига қуйидагилар ҳисобига эришиш мумкин:

➤ ўзини амалда оқлаган типовой лойиҳаларни қўллаш: бу объектни лойиҳалаш харажатлари ва муддатларини қисқартириш шунингдек, самарасиз лойиҳани танлаш хавфини пасайтиришга имкон беради.

➤ Қурилиш ва объекти ўзлаштириш муддатини қисқартириш бу тугалланмаган қурилишлар ҳажмини камайтириш ҳамда инвестициялар қўйиш ва иқтисодий самара олиш орасидаги вақт қисқаришига ёрдам беради;

➤ Қўйилмалар комплекслигини таъминлаш: масалан, чорвачиликда қўйилмаларни чорвачилик бинолари (иншоотлари) ни озуқа цехлари қуришга ва асосий подани шакллантиришга биргаликда қўшимча оптимал даражада эришиш лозим;

➤ фойдаланиш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда маблағларни биринчи ўринда қўйиш; биринчи навбатда инвестицияларни амалдаги объектларни реконструкциялашга йўналтириш мақсадга мувофиқ улар янги қурилишга қўйилган инвестицияларга нисбатан икки уч марта тезроқ қопланади.

➤ Инвестицияларини кўпгина объектларга тарқалиб кетишига йўл қўймаслик: инвестицияларни алоҳида объектлар қурилишига концентрациялаш уни тўхтовсиз юритишга имкон беради ва объектларни эксплуатацияга киритиш муддатларини қисқартиради;

➤ тежамкорлик тартибига риоя қилишдан ва техника ютуқларидан фойдаланиш (масалан клонлаштириш асосида пайвандлаш билан боғ яратиш ўстирилаётганининг 4 йилида мева ҳосили олиш имконини беради. Уруғидан

пайванд қилиб яратилган боғларда эса дарахтлар 8 йилдагина мевага киради: биринчисида харажатларни қоплаш муддати 5-6 йил иккинчисида 9-10 йил).

➤ Корхоналарда инвестицияларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга шунингдек қишлоқ хўжалик ва АСМ инг бошқа тармоқларини интенсификациялаш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боргунига қадар ҳамма ҳаракатлари давомида йўқотишларни қисқартириш меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш таннархини қисқартириш ҳам ёрдам беради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тадқиқот натижаларида Қашқадарё вилояти “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасига инвестицияларни жалб этиш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қўйидаги асосий илмий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Бозор муносабатлари талабидан келиб чиққан ҳолда келгусида корхоналарда инвестиция фаоллигини ошириш, уларни ушбу жараёнга жалб этишнинг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий механизмлари такомиллаштирилмоғи лозим.

2. Олиб борилган таҳлиллар шуни ифодалайдики, “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида инвестицион фаолликни ошириш ва қулай инвестиция фаолиятини шакллантириш учун қўйидаги вазифаларни ижобий ҳал этиш лозим яъни:

- инвестицияларни корхоналарнинг молиявий таъминланганлик даражаси юқори бўлган соҳаларидан капитал маблағлар етишмайдиган соҳаларига йўналтирилишининг самарали бозор механизмларини яратиш;
- корхоналарни инвестициялаш учун капитал маблағларни жалб этилишини таъминлайдиган институтционал бозор инфратузилмаси субъектларини ривожлантириш;
- ҳудудларда аҳоли, корхоналар субъектларининг ишлаб чиқариш инвестициясига капитал маблағларни жалб этиш ва йўналтириш билан шуғулланувчи инвестиция бозорларини шакллантириш;
- корхоналарда хизмат кўрсатувчи банк тизими фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг капиталлашув даражасини ошириш;
- инвестицияларни жалб этишнинг ташкилий шакллариини такомиллаштириш;
- корхоналарда лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва инвесторларнинг уларни асослаш ва қабул қилишидаги иштирокини такомиллаштириш.

3. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида ўтказилган сўров натижасида амалга олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, вилоятдаги айрим корхоналарда ажратилган инвестиция маблағлари фақатгина айрим ишлаб чиқариш жараёнларини кўпроқ сарфланмоқда.
4. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида инвестиция фаоллигини оширишда Хитой Халқ Республикасининг (ХХР) амалий тажрибаси, Ўзбекистонда бу жараённи ташкил этиш ва ривожлантиришда ижобий таъсир кўрсатади деб ҳисобланган;
5. Қашқадарё вилояти “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида инвестицион фаоллигини оширишда мавжуд бўлган барча имкониятлардан кенг фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади;
6. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида инвестиция фаоллигини оширишнинг имкониятлари тармоқда асосий фаолиятини ривожлантиришга боғлиқ бўлиб, ушбу корхоналарда шаклланган ишлаб чиқариш натижаларига моддий жавобгарлик ва манфаатдорлик учун шарт-шароит яратиш лозим.
7. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида иқтисодиётига тарихий инвестицияларни жалб этиш ва инвестиция фаоллигини қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилмоғи лозим.
8. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида жозибador ва устувор аҳамиятга эга бўлган лойиҳа ишлаб чиқаришларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш ва уларни тарғибот қилиш тизимини ташкил қилиш.
9. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида инновацион фаолиятдаги иштирокини давлат томонидан тартибга солишда муайян таклифларнинг амалга оширилиши, жумладан, «Модернизация ва инновациялар жамғармаси»ни барча йирик корхоналарда ташкил этиш, инновацион фаолиятда кичик бизнес субъектларининг иштирокини фаоллаштириш мақсадида жамғарма маблағларининг муайян қисмини инновацион кичик бизнес корхоналари билан ҳамкорликда фойдаланилишини таъминлаш, йирик фирмалар томонидан ажратилган, кичик корхоналар билан

ҳамкорликдаги фаолият учун йўналтирилган венчур (тахликали) инвестициялаш асосий компаниядаги ИТТКИга сарфларни минималлаштириш, технология, кадрларни айирбошлаш, техник ва технологик вазифаларни самарали ҳал этиш, корхоналар ўртасида нисбатан мустаҳкам кооперацион алоқаларни ўрнатиш имконини беради.

10. “Косон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида инвестицияларининг самарадорлиги ортишига қуйидагилар ҳисобига эришиш мумкин:

- ўзини амалда оқлаган типовой лойиҳаларни қўллаш: бу объектни лойиҳалаш харажатлари ва муддатларини қисқартириш шунингдек, самарасиз лойиҳани танлаш хавфини пасайтиришга имкон беради.
- Қурилиш ва объекти ўзлаштириш муддатини қисқартириш бу тугалланмаган қурилишлар ҳажмини камайтириш ҳамда инвестициялар қўйиш ва иқтисодий самара олиш орасидаги вақт қисқаришига ёрдам беради;
- Қўйилмалар комплекслигини таъминлаш: масалан, чорвачиликда қўйилмаларни чорвачилик бинолари (иншоотлари) ни озуқа цехлари қуришга ва асосий подани шакллантиришга биргаликда қўшимча оптимал даражада эришиш лозим;
- фойдаланиш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда маблағларни биринчи ўринда қўйиш; биринчи навбатда инвестицияларни амалдаги объектларни реконструкциялашга йўналтириш мақсадга мувофиқ улар янги қурилишга қўйилган инвестицияларга нисбатан икки уч марта тезроқ қопланади.
- Инвестицияларини кўпгина объектларга тарқалиб кетишига йўл қўймаслик: инвестицияларни алоҳида объектлар қурилишига концентрациялаш уни тўхтовсиз юритишга имкон беради ва объектларни эксплуатацияга киритиш муддатларини қисқартиради;
- тежамкорлик тартибига риоя қилишдан ва техника ютуқларидан фойдаланиш (масалан клонлаштириш асосида пайвандлаш билан боғ яратиш ўстирилаётганининг 4 йилида мева ҳосили олиш имконини беради. Уруғидан

пайванд қилиб яратилган боғларда эса дарахтлар 8 йиллигина мевага киради: биринчисида харажатларни қоплаш муддати 5-6 йил иккинчисида 9-10 йил).

➤ Корхоналарда инвестицияларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга шунингдек қишлоқ хўжалик ва АСМ инг бошқа тармоқларини интенсификациялаш асосида маҳсулотишлаб чиқариш ҳажмини ошириш маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боргунига қадар ҳамма ҳаракатлари давомида йўқотишларни қисқартириш меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш таннархини қисқартириш ҳам ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.— Т.:Ўзбекистон, 2008.- 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тўғрисида» ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида» ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2011 йил 12 майдаги Қарори. // Халқ сўзи, 2011, 13 май, №94.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2011 йил 24 августдаги Қарори. // Халқ сўзи, 2011, 25 август, №166.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2009 йил 15 майдаги ПҚ - 1112 – сонли Қарори. - // Халқ сўзи, 2009, 19 май, №100.
9. “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1996 й., 27 декабрь, Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т. 15 – Т.: Адолат, 1997.
10. “Инвестиция фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // Халқ сўзи, 1999 й., 12 январь.

11. “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. // Халқ сўзи, 2000 й., 9 июнь.
12. “Кичик ва хусусий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // Халқ сўзи – 1995 й., 26 декабрь.
13. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, (2005 йил 20 июн).
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. 2017 йил 17 январьдаги ПФ-4933-сон .
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 1 февральдаги, ПҚ-2750 – сон Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 7 февраль, 8 февраль//Халқ сўзи.

II. Президент асарлари

2.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгартиришларни таъминлаш чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. Халқ сўзи, 2015 йил 5 май.

2.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция тўғрисида”ги ПҚ-2458-сонли Қарори. 2015 йил 25 декабрь.

2.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” фармони 2018 йил 22 январь, ПФ-5308-сон

2.4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-916-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 280-модда; 2010 й., 1-2-сон, 2-модда; 2011 й., 36-сон, 366-модда; 2012 й., 8-9-сон, 78-модда, 2008 йил 15 июль.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-438-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 369-модда, 1992 йил 8 июль.

2.6 Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак, Халқ сўзи, 2017 йил, 16 январь.

2.7 Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 22.12.2017 йил

2.8 Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 29.12.2018 йил

III. Махсус адабиётлар

3.1 Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. – М.: Экономика. 1985.– 55 с.

3.2 Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 1977. – 480 с.

3.3 Маршалл А. Принципы политической экономии. Т. – 1. – М.: Прогресс, 1993. – 415 с.

3.4 Шумпетер Й. Теория экономического развития.–М.:Прогресс,1985.–159 с.

3.5 Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и денег.–М.:Экономика, 1948. – С. 238-241.

3.6 Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: Прогресс, 1991. – 223 с.

3.7 Хайек Ф. Дорога к рассвету – М.: Экономика, 1992. – 91 с.

3.8 Лапуста М.Г, Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство.М.:Инфра-М, 1997. – С.87.

3.9 Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. В 2-х т. Т-1. – М.,1992.–399 с.

3.10 Хамидуллин Ф.Ф. Развитие методологии исследования малого бизнеса // Проблемы современной экономики, №3(19), 2007.

3.11 Хаит М.М. Развитие малого бизнеса на основе реструктуризации крупных предприятий//Вестник Московского университета,сер.6. Экономика, №4, 2006. – С.32-43

3.12 Государственное регулирование экономики / Учебное пособие. Под общ. ред. проф. Г.Н.Власова, доц. А.М.Желтова.- Нижний Новгород, 1998.

3.13 Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Меҳнат, 2010. - 349 б.

3.14 Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 339 с.

- 3.15 Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Гойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.
- 3.16 Ходжаев Р., Эгамбердиев А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 105 б.
- 3.17 Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: 2008. -365 б.
- 3.18 Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.
- 3.19 Бакиева И.А. Ўзбекистон енгил саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Дис. ... иқт. фан. номз. - Т., 2012.
- 3.20 Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини ошириш йўналишлари. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2008.
- 3.21 Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2004.
- 3.22 Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2004.
- 3.23 Ибрагимов И.У. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш (Наманган вилояти мисолида). Дис. ... иқт. фан. номз. - Т., 2012.
- 3.24 Ходжаев Р., Эгамбердиев А., Шоюсупова Ф.Қ. Кичик бизнесни бошқариш. I қисм. Ўқув қўлланма. –Т.: IQTISOD–MOLIYA, 2007. - 180 б.
- 3.25 Собиржонова Д., Бойматова У. Хусусий ва кичик бизнес менежменти. Ўқув қўлланма. Т.: IQTISOD–MOLIYA, 2007. - 200 б.
- 3.26 Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш. Дис. ... иқт. фан. д-ри. - Т., ТДИУ. 2000. -338 б.

- 3.27 Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2008.
- 3.28 Альмардонов М.И. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва уни тадбиркорлик фаолиятига таъсири. Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2004.
- 3.29 Ашурова Н.Б. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда солиқ механизмининг таъсири. Дис. ... иқт. фан. номз. - Т., 2008.
- 3.30 Ботиров А.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш йўллари. Дис. ... иқт. фан. номз. - Т., 2012.
- 3.31.Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик), - Т.: «Iqtisod-Moliya» 2018 ,404 б.
- 3.32 Эргашев Р.Х.,Халиков С.Д.,Тошбаев А.Ж. Инновацион иқтисодиёт- (дарслик),- Т.: «Iqtisod-Moliya» 2019 ,400 б.
- 3.33. Эргашев Р.Х. ва бошқалар Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш истиқболлари- (монография),- Т.: «Iqtisod-Moliya» 2019 ,240 б.
- 3.34. Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Ҳ., Жўраев Т.Т. "Иқтисодиёт назарияси", - Т., "Молия" нашриёти, 2002, 277-б.
- 3.35. Турсунов Б.М. Внешнеэкономическая деятельность и привлечение иностранных инвестиций. Курс лекций. -Т.: "Узбекистан", 2004. с-45.
- 3.36.Тожибоева Д. "Иқтисодиёт назарияси": 2-китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув кўлланма. -Т. "Шарк", 2003, 79-б.
- 3.37.Экономическая теория: Учебник. — Изд., испр. и доп. / Под. общ,- ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрышина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. - М.ИНФРА-М, 2005, с. 422.
- 3.38.Иностранные инвестиции. В кн.: Л.Н.Павлова. Финансы предприятий. - М., 2004. -с. 171.
- 3.39.А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. -Т.: "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таъширияти, 2006. 317-бет.

IV. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

4.1 Ўзбекистон ҳудудлари бўйича статистик тўплам, 2018.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2018.

4.2 Қашқадарё вилояти статистикаси бошқармасининг 2014-2018 йиллардаги статистик маълумотлари.

4.3 Қашқадарё вилояти «Косон ёғ-экстракция» АЖда 2015-2018 йиллардаги статистик маълумотлари.

4.4 «Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среди бизнеса». Отчет Международной Финансовой Корпорации по итогам 2015 г. - 121 с.

V. Интернет ресурслари

5.1 Эл.ресурс. Шаропатова А. В. Государственное регулирование инновационной деятельности// Проблемы современной аграрной науки: материалы международной заочной научной конференции. – Краснояр. гос. аграр. ун-т. – Красноярск, 15.10.2012, <http://www.kgau.ru/new/all/konferenc/05/>

5.2 Эл.ресурс:<http://fermeruz.uz/2016/09/07/chorvachilik-mashaqqatli-ammo-serdaromad-soha/>

5.3 Эл.ресурс:<http://uzb69.blogspot.com/2012/06/2012-2020.html> /Концепция инновационного развития Республики Узбекистан на 2012-2020 гг. Проект ПРООН «Поддержка в сфере инновационной политики и трансфера технологий» (мурожаат: 09.11.2016)

5.4 Эл.ресурс. <http://cyberleninka.ru/article/n/suschnost-organizatsionno-ekonomicheskogo-mehanizma-razvitiya-innovatsionnyh-protssesov-v-selskom-hozyaystve>. И. П. Войку. Сущность организационно-экономического механизма развития инновационных процессов в сельском хозяйстве

5.5 Эл.ресурс. <http://www.bloomberg.com/graphics/2015-innovative-countries/> Аналитический отчет декабрь 2014. Ежегодный мониторинг средств, выделенных из федерального бюджета на финансирование НИОКР (в том числе по приоритетным направлениям инновационного развития России)

- 5.6 Agro.uz – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг расмий сайти
- 5.7 Stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти
- 5.8 Lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий ҳужжатлари сайти
- 5.9 Agroculture.uz - Ўзбекистон агроахборот тизими портали
- 5.10 www.fao.org - Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги халқаро ташкилотининг (FAO) расмий сайти
- 5.11 www.casagari.org – Марказий Осиё ва Кавказ қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқотлари институтлари уюшмаси (CACAARI) <https://vc.ru/p/global-innovation-index-2015#comments>